

## **Мавзу 1. Эстетиканинг предмети.**

### **Эстетика тарихининг асосий босқичлари.**

**(2-соат)**

**Режа:**

1. Эстетиканинг предмети, фанлар тизимида тутган ўрни.
2. Ўзбекистон худудида қадимги эстетик қарашлар.
3. Қадимги шарқ мамлакатларида ва Юнонистонда эстетик қарашлар.
4. Ўрта асрларда Ўрта Осиё ва Европада эстетик қарашлар.
5. Хозирги давр эстетикаси.

### **Эстетиканинг предмети ва фанлар тизимида тутган ўрни.**

Эстетика фанини ўрганиш одатда унинг қандай ҳодисаларни тадқиқ этиш, қандай илмий усуллардан фойдаланиши, бошқа фанлар билан алоқаси ва ниҳоят, мазкур фан соҳасида эришилган ҳақиқатларнинг амалий жиҳатдан аҳамиятини аниқлаб олишдан бошланади.

Даставвал “Эстетика” атамаси ҳақида тўхтаб ўтайлик. У юнонча *esthomete*, *esthometai* сўзидан олинган бўлиб, мен гўзалликни севаман, кўраман, эшитаман, сезаман деган маънони англатади.

“Эстетика” атамаси илмий адабиётларда асосан XVIII аср ўрталаридан бошлаб қўлланиб келинади. Бу термин фалсафий атамалар тизимида мустаҳкам ўрин эгаллаган бўлса-да, кейинги даврларда ўзининг дастлабки, илк

луғовий маносида қўлланилмади, дейиш мумкин. XVIII аср охирларидан бошлаб адабиётларда бу термин ҳиссий билиш назарияси эмас балки “гўзаллик фалсафаси”, “санъат фалсафаси” баъзан эса ҳам гўзаллик, ҳам санъат фалсафаси маъносида ишлатила бошланди. Ҳар ҳолда эстетика дейилганда фалсафадан ажралиб чиққан ва ўзининг мустақил баҳс мавзуи – предметига эга бўлган илмий соҳа тушунилади.

Хўш эстетиканинг фан сифатида баҳс мавзуи (предмети) нималардан иборат?

Тафаккур тарихида эстетика нимани ўрганади ва ўргатади, деган масала ниҳоятда ранг-баранг қарашларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Чунончи, пифагорчилар (э. о. VI аср охири ва V аср бошлари) дунёқарашнинг бу соҳаси фалсафанинг бир қисми ва оламнинг бир бутун манзарасини яратишга хизмат қилади, деб ҳисобланган. Антик грек олими Аристотел (э. о. 384-322) эстетика табиат ва санъатнинг умумфалсафий масалалари ҳамда поэтика муаммолари билан шуғулланиши керак дейди. Платон (э. о. 427-347) айтадики, эстетиканинг диққат марказида санъатни давлат тамонидан бошқариш вазифаси туриши керак. Ўрта аср Италия илоҳиётшуноси Фома Аквинский (XIII) эстетикани диншунослик бўлимларидан бири, деб эътироф этади. Италия уйғониш даври арбобларидан Леонардо да Винчи фикрича, эстетика табиат билан санъат нисбатини, санъатда воқеийликни ҳиссий билиш муаммосини текширади. Немис файласуфи Гегел эстетика санъатдаги гўзалликни, Чернишевский – воқеиликка эстетик муносабатни ўрганиш билан шуғулланди, деган фикрларни билдиради.

Жамиятшунослик тараққиётини шўролар даврида ҳам олимлар бу масалада турлича изоҳларни берганларки, уларни умумлаштириб, қуйидагича таърифларни бериш мумкин:

Эстетика – санъатнинг умумий назарияси, санъат фалсафаси, санъат тараққиётининг умумий қонунлари тўғрисидаги фан. Бу таърифда эстетика ўрганадиган муаммоларнинг асосий қисми айtilган бўлса-да, унинг бахс мавзуси доираси бутун кўлами билан тўла қамраб олинмаган. Санъат ҳиссий таъсирчанлик (мавзуси, гўзаллик туйғусини идрок этиш), оламни эскетик жихатидан ўзлаштириш, эстетик фаолиятининг ягона соҳаси эмас, шубҳасиз. Бу таърифга асосланадиган бўлсак, инсон хулқ – одоби, табиат, турмуш, меҳнат ва бошқа шунга ўхшаш соҳалардаги эстетик ҳусусиятлар ва жихатлар мазкур фан ўрганадиган доирадан ташқарида қолиши табиий. Буларсиз эса эстетика предметини тасаввур этиб бўлмайди.

Эстетика – бадиий ижод ва бадиий идрок воқеликни бадиий билиш тўғрисидаги фан. Бу – юқоридаги таърифга қараганда тўлароқ бўлиб, унда бадиий ижод маҳсули бўлган санъатни ҳам, идрок объектини ҳам эстетика предметини ўз ичига олиши кўзда тутилади. Шунга қарамай мазкур таъриф баъзи бир эътирозларини ҳам уйғотади. Гап шундаки, эстетик маънодаги бадиийлик тушунчасини санъатга, санъаткор ижодига, бадиий асарни идрок этишга, санъат асарларини баҳолашга нисбатан қўллаш мумкин, бироқ эстетик ҳиссиётга эга бўлган яна шундай предмет-ҳодисалар ҳам мавжуддирки, уларни “бадиийлик” доирасига киритиб бўлмайди. Чунончи, табиат ҳодисалари, хулқ, турмуш соҳаси, инсон фаолиятининг моддий манфаат, фойда кўрадиган шаклларида мавжуд бўлган эстетик ҳусусиятларни бадиийлик тушунчаси орқали тўла ифодалаш мумкин эмас. Тўғри, баъзи ҳолларда бу ҳиссий таъсирчанлик тушунчаси билан тенг қўлланилиши мумкин. Масалан, бадиий фаолият – эстетик фаолият турларидан бири, бадиийлик – ҳиссий таъсирчанлик, гўзаллик туйғусини акс эттиришни бир соҳаси. Бадиий дид ва эстетик дид, бадиий қадрият ва эстетик қадрият деган иборалар қўлланганда ана шундай маъно касб этади.

Эстетика – гўзаллик тўғрисида, гўзалликнинг хусусиятлари, қонуниятлари, табиат ва санъатдаги гўзаллик тўғрисидаги фан. Тўғри, гўзаллик эстетиканинг марказий тушунчаси, бироқ унинг предмети ёлғиз гўзаллик муаммолари билан чегараланиб қолмайди. Бу икки хил эътироз туғдириши мумкин:

Биринчидан, ижобий эстетик ҳодиса бўлмиш гўзалликка, табиийки, салбий ҳодиса хунуклик қарама-қарши туради, шу сабабли хунукликнинг ўзига ҳос тамонларини аниқламай туриб, гўзалликнинг моҳиятини билиб бўлмайди. Этика фанида яхшилик ва ёмонлик, мантиқ фанида ҳақиқат ва ёлғон каби категориялар ҳам худди шундай изоҳ талаб қилади.

Икинчидан, эстетика, унинг тушунчалари инсоннинг қадриятли муносабатларини ифодаладиган гўзаллик, хунуклик, фожиавийлик, комиклик, таъсирчанлик каби ҳолатларни эмас, айтилиши вақтда санъат, истеъдод, маҳорат, ижодий услуб, ижод, санъат воситалари, бадиий асар, эстетик ахборот, санъат истеъмолчиси, эҳтиёж, баҳо сингари тушунчаларни ҳам ўз ичига олади. Ўз-ўзидан равшанки, эстетика уларни ҳам ўз категориялари сифатида ҳар тамонлама ўрганиши керак. Шу маънода эстетика предметини гўзаллик муаммосини ўзи билан чегаралаб қўйиш мантиқан тўғри бўлмайди. Кейинги пайтларда матбуотда “эстетика” атамасини “нафосатшунослик”, “нафосатнома” каби терминлар билан алмаштириш таклифи билан чиқаётган мулоҳазалар кўзга ташланмоқда. Бизнинг фикримизча “нафосатшунослик” атамаси бу фан ўрганадиган муаммолар кўламини тўла ифода этаолмайди. Иккинчи атама илмий мазмундан кўра кўпроқ қоидалар тўплами, мажмуаси маъносини англатади. Шунга кўра биз жаҳон ижтимоиётшунослигида умум эътироф этилган (эстетика) атамасини қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Эстетика – жамият эстетик фаолият қонунлари, инсон тамонидан воқеликни эстетик ўзлаштириш, жамият эстетик маданияти тараққиёти қонунлари тўғрисидаги фан.

Эстетика ижтимоий – гуманитар ва табиий фанлар ўртасида ўзига яраша ўрин тутди. эстетиканинг бошқа фанлар билан алоқасини аниқлаб олиш унинг илмий усулини белгилаш, унинг бошқа фанлар методлари билан боғлиқлиги ва ўзига хослигини аниқлаб олишга ёрдам беради.

**Эстетика ва фалсафа.** Фалсафий методология эстетика қонуниятларни билишнинг биринчи воситасидир. Бунинг заруриятини биринчи бўлиб Платон назарий жиҳатдан исботлашга уринган эди. Унинг фикрича, гўзаллик – бу жуда ранг-баранг ва жуда кўплаб объектларнинг хоссаларидир. Дарҳақиқат, гўзалликни ҳамма жойда: табиат предметларида, инсонда, инсоний муносабатларда, кишилар яратган ранг-баранг нарсаларда, санъат асарларида кўриш мумкин. Инсон уларни бир-биридан фарқ қила олади. Эстетиканинг мақсади ҳар бир предмет ва предметларнинг алоҳида гуруҳига хос бўлган гўзаллик хусусиятларини ўрганишдан иборатми? деган савол туғулади. Албатта, бунга “йўқ” деб жавоб бериш мумкин. Эстетика бу вазифани бажара олмайди, бинобарин, гўзалликнинг шакллари ниҳоятда ранг-барангдир. эстетиканинг асосий вазифаси ҳиссий таъсирчанлик, гўзалликни энг умумий қонуниятларини очишнинг моҳияти, табиати, юзага келиши ва аҳамияти қонунларини ўрганишдан иборат. Ўз-ўзидан равшанки бу масалалар фалсафий-назарий ҳарактерга эга бўлиб, уларни ҳал этишда эстетика объективлик ва субъективлик, табиийлик ва ижтимоийлик, мазмун ва шакл диалектикаси каби фалсафий категорияларга суянмасдан иш кўра олмайди. Эстетик фикр кўп асрлар давомида фалсафа бағрида тараққий этганлигининг боиси ҳам шунда. Ҳатто эстетика мустақил фан сифатида шакллангандан кейин ҳам,

у ўзининг фалсафий-назарий хусусиятини сақлаб қолди ва янада ривожлантирди.

Эстетика фалсафа билан узвий алоқадорлиги унинг фалсафий фан эканлиги масаласи эстетик онг муаммосини ҳал этишда тўла намоён бўлади. Социология ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг муносабатини, мантиқ тафаккур қонунларини борлиқ қонунлари муносабатга киритиб ўрганади ва ҳоказо. Шу нуқтаи назардан эстетика эстетик онгнинг воқеликка муносабати масаласини асосий муаммо даражасига кўтаради. Буни ҳал этишда фалсафий дунёқарашга суянади. Шу туфайли эстетика тарихида турли – туман оқимлар, концепциялар вужудга келганлиги маълум. Шунингдек ҳар бир фалсафа ўз эстетикасига эга бўлади, ҳар бир эстетик тизим эса ўз навбатида муайян фалсафий асосга суянади. Масалан; Гегелнинг тарихда объектив идеалистик деб ном олган эстетикаси унинг асосий фалсафий концепцияси негизида вужудга келди ва Гегел эстетикаси айни вақтда унинг фалсафий дунёқарашини, тизимнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Эстетикада онг масаласи ҳақида гап борганда, табиийки, инъикос назариясига асосланиб иш кўришга тўғри келади. Шунга кўра эстетиканинг гносеология – билиш назарияси билан алоқаси турлича маъно касб этиши мумкин.

Фалсафа эстетиканинг барча муаммоларини ҳал этишда муҳим назарий – методологик рол ўйнайди. Инсоннинг воқеликка эстетик муносабати, эстетик фаолият, бадиий ижод масалалари, мазмун ва шакл, ижтимоийлик ва шахсийлик, ҳиссий ва ақлий билиш негизида қараб чиқилади.

Эстетика шу асосда эстетик объектнинг моҳияти, эстетик онгни пайдо бўлиши ва ривожланиши, санъатнинг юзага келиши ва тарихий тараққиёти қонунларини илмий ёритиб беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки , эстетиканинг фалсафий – дунёқараш характери унинг тадқиқот предметининг ўзига хослиги (воқеликнинг эстетик хусусиятлари ва инсон бадий – эстетик фаолиятининг энг муҳим қонунларини текшириши): генезиси (эстетика фалсафий фанлар умумий тизимидан келиб чиқиши): функцияси (энг умумий тушунчалар – категориялар билан иш кўради) хусусиятлари билан белгиланади.

Эстетика ва санъатшунослик фанлари. эстетика предметининг бир соҳаси санъат эканлигини юқорида кўриб ўтдик. Маълумки, санъат ва бадий ижоднинг конкрет соҳаларини илмий тадқиқ этадиган бошқа бир қатор фанлар мавжуд. Улар санъатшунослик фанлари деб аталади: адабиётшунослик, театршунослик, музикашунослик, архитектурашунослик, тасвирий санъат назарияси ва бошқалар. Ҳар бир санъатшунослик фани ўзи ўрганаётган бадий ижод турига уч жиҳатдан – назарий, тарихий, танқидий томондан ёндашади, шунга кўра, ҳар бир санъат турининг назарияси, тарихий, бадий танқиди мавжуд. Масалан, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, адабий танқидчилик.

Адабиётшунослик, театршунослик, музикашунослик, архитектурашунослик, тасвирий санъат назарияси, рақс санъати назарияси каби фанлар ўзининг текшириш объекти бўлиб санъатнинг ёлғиз тури бадий қонуниятларини, образ яратиш хусусиятларини ўрганишга даъват этилган. Санъат тарихи эса муайян санъат тури тараққиёти қонунларини тарихий-бадий жиҳатдан олиб текширади. Бадий фаолиятнинг жонли, ҳозирги замондаги ҳолати ва ривожланиш жараёни бадий танқиднинг “нони” дир.

Лекин санъат тараққиётининг яна шундай қонуниятлари мавжудки, улар юқоридаги уч нуқтаи назар доирасидан ташқарида қолиши мумкин. Бу – ҳамма турлар учун умумий бўлган қонуният – санъатнинг воқеликка эстетик муносабат масаласидир. Бу умумий

қонуниятларнинг табиати ва хусусиятларини эса эстетик илмий – фалсафий ва методологик жиҳатдан тадқиқ этади

Илмий эстетика санъатни ижтимоий онгнинг ўзига хос шакли, айна вақтда эстетик фаолият тури, деб ҳисоблайди. Санъат бадиий билиш, бадиий инъикоснинг узвий бирлиги сифатида ҳам олиб қаралади. Санъат эстетик қадриятлар яратишнинг махсус ва бош йўли ҳамдир.

Эстетика предмети ўз таркибига санъат соҳасини киритар экан, бунда қуйидаги масалалар унинг диққат марказида туради.

- санъат ва бадиий – эстетик фаолиятнинг моҳияти ва ўзига хослигини билиш назарияси асосида қараб чиқиш;

- бадиий образнинг мазмуни ва шакли, санъат турлари хусусияти, бадиийлик муаммолари.

- санъат тараққиётининг умумий қонуниятлари: биринчидан, санъатнинг ижтимоий табиати (халқчиллиги, миллийлиги, ва х, к), иккинчидан, ички тараққиёт қонунлари (усул, оқим, услуб, ва бошқалар) ни тадқиқ этиш;

- санъатнинг нафосат тарбияси воситаси сифатидаги хусусиятларини илмий – фалсафий асослаш;

Шунга кўра, эстетика билан санъатшунослик фанлари ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд. Бунинг маъноси шуки биринчидан, эстетика санъатшунослик фанлари тажриба ва ҳодисаларга суяниб, назарий – методологик хулосалар чиқаради, иккинчи тамондан, эстетика ўз навбатида улар учун назарий асос, методология бўлиб хизмат қилади эстетиканинг санъат назарияси деб ҳисобловчи олимлар масалани шу томонини назарда тутганликлари бежиз эмас.

**Эстетика ва руҳиятшунослик.** эстетиканинг психология билан узвий алоқадорлиги масаласига эстетик фикрлар тарихида алоҳида эътибор берилган. Гап шундаки, гўзаллик ва бошқа эстетик ҳодисалар мавжуд реал борликни ҳиссий идрок этиш, предметга нисбатан муайян эмоционал жавоб тарзида юзага келади. Масалан, денгизга қараб,



“қандай гўзал-а” десак, бу ҳозир уни кўриб бизда туғилган ҳайратланиш, яъни руҳий кечинмани сўздаги ифодасидир. Борди-ю бошқача фикр юритсак, масалан, денгиз моддий нарса, ундаги сув муайян кимёвий тузилишга эга, денгизнинг ҳаракати тўлқинлар алмашилишидан ифодаланади, демак, у вақтда кечинмадан келиб чиқиб эмас, аксинча, кузатиш, тажриба ва назарий хулосаларга асосланиб денгизнинг объектив ҳусусиятларини илмий жиҳатдан тушунтирган бўламиз. Предметнинг эстетик қиммати – гўзаллик, улуғворлиги ва хоказолар унга нисбатан ҳиссий – эмоционал ҳолат рўй беришини тақозо этади.

Англашиладики, мавжуд реал борлиқнинг эстетик ҳусусиятларини унинг механик, физик, кимёвий, биологик ҳусусиятларидан фарқли ўлароқ, инсон онгида эстетик идрок жараёнида юз берадиган руҳий ҳолатларни ҳисобга олмасдан туриб идрок этиб бўлмайди. Бошқача айтганда, гўзалликнинг моҳиятини, у бағишлайдиган роҳатни инсон психологик табиатидан келиб чиқиб тўғри тушунтириш мумкин.

Эстетика санъатнинг умумий тараққиёт қонунларини ўрганиш жараёнида ҳам бир қатор психологик муаммоларга дуч келади. Бинобарин ҳар бир асар кишиларнинг ҳис-туйғуси ва онгига таъсир этишни назарда тутиб яратилади

Бунингсиз, дейлик ҳайкал-шаклга кирган тошнинг бир бўлаги ёки металдан бошқа нарса эмас. Бадиий роман ҳам шунчаки сўзларнинг оддий йиғиндиси эмаслиги равшан. Асарнинг бадиий қиймати китобхонни ҳаёжонга солиши, йиғлатиши, кулдириши ва ўйлатиши, хуллас руҳий кечиммасини туғдиришида намоён бўлади. Шунинг учун санъат қонунларининг билиш жараёнида инсон тамонидан воқеликни бадиий ўзлаштиришнинг психологик жиҳатларини ўрганиш зарурияти туғилади. Бир томондан, бунда бадиий идрокнинг психологик масалалари, санъат асарининг инсонга таъсири жараёнидаги қонуниятлари,

иккинчи томондан, бадий ижод психологияси, санъаткорнинг ижодий лабораторияси, воқеликни акс эттириш қонуниятларини чуқур билиши масалалари ҳам муҳим рол ўйнайди.

Эстетика ва педагогика. Эстетик тарбия муаммолари ҳусусида фикр юритиш хар иккила фан ўртасидаги узвий алоқадорликнинг негизи ҳисобланади. Борди-ю педагогика кишиларни эстетик руҳда тарбиялашни конкрет усул, шакл ва воситаларини текширса, эстетика бу тарбиянинг фалсафаси сифатида унинг назарий ва умумий тамойилларини ишлаб чиқади. Бошқача сўз билан айтганда, эстетик тарбиянинг стратегиясини эстетика, унинг конкрет соҳада, масалан, меҳнатда, турмушда, спортда, таълим жараёнида амалга оширишнинг тактикасини педагогика ишлаб чиқади.

Юқоридагилардан ташқари, эстетика фани тарих, археология (эстетик онг, санъатнинг келиб чиқиши билан боғлиқ), этика, семиотика (санъатни белгилар системасининг бир тури сифатида ўрганади) билан ҳам мустаҳкам боғлангандир. Бундай алоқадорликлар ҳақида эстетик тафаккур тарихи, эстетик тарбия билан ахлоқий тарбия, санъатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритганда батафсил тўхташ мумкин.

Шундай қилиб, ҳиссий таъсирчанлик гўзалликнинг табиати, унинг воқелик ва санъатда ранг-баранг тарзда ифодаланиши, инсоннинг оламга эстетик муносабати тамойиллари, санъатнинг моҳияти ва қонуниятлари-эстетика фани тадқиқ этадиган муаммоларнинг асосий қисми шулардан иборат.

Эстетиканинг фан сифатидаги баҳс мавзуи-предметини белгилаб олиш, ўз-ўзидан равшанки, унинг таркибий қисмлари масаласини ойдинлаштиради. Шу маънода эстетика фан ўз тузилишига қуйидаги таркибий қисмларни олади

- эстетика тарихи;

- эстетиканинг назарий методологик муаммолари;
- амалий эстетика масалалари

## ***ҚАДИМГИ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.***

Ўтмишда эстетик қарашлар, ғоялар, фикр-мулоҳазалар, таълимот ва назариялар фалсафа фани бағрида пайдо бўлади. Айни пайтда фалсафий таълимотлардаги ҳилма-ҳил йўналишлар эстетик қарашларнинг ҳам турли кўриниш ва йўналишларига кучли таъсир ўтказиб келди. Нафосат моҳияти, эстетик онг ва эстетик фаолият табиати, санъатининг воқеликка муносабати масалаларида турли қарашлар пайдо бўлади.

Эстетик ғоялар даставвал қадимги Шарқ ўлкаларида, жумладан, Миср, Месопатамия, Бобил, Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва Турон мамлакатларида вужудга келади. Яқин-

яқинларгача “эстетик ғоялар ватани қадимги Юнонистондир” деган сўзларга ишонар эдик. қадимги Шарқ эстетикасининг тарихий мероси атайлаб кўздан пинҳон тутилгани, ҳатто кам ўрганилганлиги сабабли “оврупохудбинлик” (“европоцентризм”) уйдирма ақидалари зўр бериб илгари сурилди.

Қадимги Шарқ мамлакатларининг халқлари бизга мерос қилиб қолдирган ёзувлари (Миххат, финикия алифбоси), Ўрхун – энасой битиклари, Харазм алифбоси, қимматбаҳо маъданлардан ишланган санъат асарлари (Мисрда фиръавн Тутанхамон мақбарасидан топилган асори атиқалар, Амударё хазинаси, Доро I тасвири солинган олтин тангалар, скифлар олтин буюмлари ва бошқалар), улуғвор мэморчилик обидалари (Бобил минораси, қадимги Хоразм бадий маданияти қолдиқлари, Ҳиндистон ва Хитой ҳукмдорлари саройлари, ибоатхона деворларидаги тасвирий санъат ҳайкалтарошлик асарлари) бу мамлакатларда бадий маданият юксак тараққий этганини кўрсатади. Илк эстетик қараш ва ғоялар қоҳинлар томонидан баён қилинганлигини бугун биз бу мамлакатлар халқлари кўлөзма меросидан, оғзаки халқ ижодидан биламиз. Афсуски, мазкур бой эстетик мерос ҳозиргача деярли ўрганилмаган ва илмий шарҳланмаган.

Қадимги Юнонистон зиёлиларидан Геродот Шарқ мамлакатларининг кўпларида бўлиб, улар ҳақида ўз тарихий асарларида баён қилган қадимги Шарқ эстетик қарашларини ўрганиб, уларни умумлаштириб, назарий жиҳатдан янада бойитиб баён этиш, бошқа ҳаёт жабҳаларида бўлганидек, эстетик қарашлар тарихида ҳам қадимги Шарқ мамлакатлари эришган ютуқлар заминида Оврупо мамлакатлари бадий маданияти таркиб топганлигини эътироф этиш вақти келди.

Қадимги Юнон санъаткорлари ва файласуфлари қадимги Шарқ бадий маданияти меросига таянган ҳолда эстетик ғоялар ва фикр- мулоҳазаларни ишлаб чиқдилар.

Шу асосда тартибга солинган эстетик назария ўзидан кейин вужудга келган турли-туман эстетик мактаблар ҳамда оқимларга замин бўлиб хизмат қилди.

Қадимги юнон эстетик таълимотининг ибтидоси машҳур математик олим ва файласуф Пифагор (э. а. 6-5асрлар) номи ва уяратган мактаб билан боғлиқ. Пифагор ва унинг шогирдлари барча нарсаларининг моҳиятини рақамлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ташкил этади, коинот яхлитлигида ҳам рақам ақидаси ётади, деб уқтирдилар. Улар мазкур қарашларини нафосат оламига ҳам тадбиқ этиб, эстетик тафаккурни бойитишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Пифагорчиларнинг нафосат асослари, муסיқавий ҳамоҳанглик асослари, яни “хилма –хил овозли томонларнинг келишуви” умумбашарий ҳамоҳанглик (гармония) эканлиги ҳақидаги қарашлар ва ғоялар эстетик тафаккур тарихида муҳим ўрин тутди.

Қадимги эстетика тафаккурида моддиунчилик (материалистик ) йўналишни Гераклит (э. а. 540-480 йиллар) бошлаб берган эди. У нафосат хоссалари моддий дунёнинг ўзидан келиб чиққан, нафосат ҳамоҳангликни англатади, ҳамоҳанглик эса қарама-қаршиликлар бирлигини ташкил этади деб кўрсатди ва нафосатнинг нисбийлиги ғоясини илгари сурди.

Демокрит (э. а. 470-399 йиллар)таълимотида гўзаллик коинотдан инсон турмушига, унинг ички кечинмаларига кўчирилган бўлиб, гўзаллик ва эзгулик бирлиги ва ҳозирги таъбир билан айтганда эстетика ва ахлоқ бирлиги етакчи ғоя сифатида баён қилинади. Суқрот эстетик тасаввурларнинг нисбийлиги ғоясини илгари суриб, эстетик ва манфаатли белгилар ўртасидаги яқин алоқадорлик мавжудлигини кўрсатиб берди.

Афлотун (э. а. 427-347 йиллар) қарашларида эстетика ҳам гўзаллик фалсафаси, ҳам санъат фалсафаси сифатида таърифланади. Афлотун фикрича, нафосат манбаини аввало ғоялар ташкил этади. Ҳис-туйғу берадига барча нарсаларни

абადий, ўзгармас ғоя “ёритиб турган” дагина гўзаллик кашф этилади. Унинг фикрича гўзаллик ўта ҳиссиётли бўлгани туфайли унинг моҳиятини ҳис туйғу билан эмас, балки ақл-идрок билан англаш мумкин.

Афлотуннинг санъатга оид қарашларида ижодий жараёни илоҳийлаштириш, санъатни эса бутунлай ақл-идрокка тескари бўлган саъй-ҳаракат тарзида баҳолаш ўрин олган. У, санъатни қандайдир пасткашлик уринишлари сифатида таърифлаб, уни нарсалардан кўчирилган нусха, нарсаларнинг ўзи эса ғояларнинг хира нусхасидир, деб уқтиради.

Афлотун қарашларида эстетик тарбия назарияси муҳим ўрин тутди. У санъатнинг одамларга нисбатан ўткази оладиган таъсир кучини тан олади, лекин бу таъсир кучи салбий, бузғунчи хусусиятга эга, деб таъкидлайди. Шу боис Афлотун истиқболда орзу қилган давлат мафкурасида муסיқадан ҳам фақат “ҳарбийча жаранглайдиган”, “мардона” шаклларига ўрин ажратади. Шундай қилиб, Афлотуннинг санъатга ва эстетик тарбияга доир қарашлари таркидунёчилик, қаттиқ қўллик руҳи билан суғорилган.

Қадимги юнон эстетика назариясининг чўққиси ва якуни сифатида Арасту (э. а. 384-322 йиллар) эстетик таълимоти катта аҳамият касб этади. Арасту фикрича, гўзаллик асосини моддий дунёдаги нарсалар ташкил қилади, нафосат ана шу нарсаларнинг тартиблилик, мувофиқлик, аниқлик, уйғунлик, яхлитлик хоссалирида намоён бўлади.

Санъат амалёти Арасту эстетикасининг ҳаётбахш манбаидир. Буюк мутафаккир ана шу амалиёт билан узвий боғланган назарий қоидалар яратди.

Арасту эстетик таълимотида Демокритнинг воқеликка тақлид қилиш (мимесис) ҳақидаги ғояси янада рувожлантирилди. У санъатни воқеликка – одамлар, нарсалар ва инсон фаолиятига тақлид қилиш воситаси сифатида баҳолаб, санъатни идрок қилишда ҳосил

бўладиган шодликни, тасвирланган нарсаларни таниганликдан чиқадиган натижа билан боғлайди. Арасту санъатнинг инсон руҳига ўтказадиган таъсир кучига алоҳида эътибор бериб, унинг ахлоқий қудратини, олижаноб фазилатлар яратиш кучини, воқеликни англаш хизматини улуғлайди.

Фожиали воқеа-ҳодисалар заминида Арасту ваҳима, даҳшат, раҳм-шавқат орқали инсон руҳини поклантириш (“катарсис”) таълимотини илгари суради. Бундан ташқари унинг эстетик қарашларида воқелик билан бадий маданият мутаносиблиги муаммолари, инсон ва санъат, инсон ва бадий ижод масалалари кенг ўрин эгаллаган. Шунинг алоҳида таъкидлаш даркорки, Арасту эстетика назариясида биринчи бўлиб уни турлар, хиллар, кўринишларга ажратган олимдир.

Тит Лукресций Кар (э. а. 99-55 йиллар) “Нарсалар табиати ҳақида”ги асарида қадимги Рим эстетикасидаги моддиунчилик санъатнинг “зарурият” эҳтиёжидан табиий келиб чиққанлигини уқтириб, унинг маърифатчилик аҳамиятини кўрсатиб берди.

**Ўрта асрлар уйғониш даврида Ўрта Осиёда эстетиканинг ривожини.**

IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда маданият, илм-фан, санъат ва адабиёт, ислом маданияти йўналишида ривожланди ва тараққий этди. Бу даврда Аҳмад Ал Фарғоний, Мусо Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Исмоил ал-Бухорий, Ат-Термизий, Абдуллоҳ Рудакий, Абдулқосим Фирдавсий, Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Қошғарий, аз Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Нажмиддин Кубро каби юзлаб фозиллар яшаб, ижод қилдилар. Бу забардаст даҳолар – жаҳон маданияти юлдузлари қолдирган мерос ханузгача ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бу даҳолар фалсафий-эстетик қарашлари аҳли дил, илми ҳайрат, илми ҳол ва қол каби таълимотлар тарзида шаклланиб, борлиқни мушоҳада этишда, нафосат

(эстетик) кадриятларини баҳолашда улкан аҳамият касб этади.

Қораҳонийлар, Самонийлар ва Ғазнавийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хоразм шаҳарларида мактаб ва мадрасалар давлат қарамоғида бўлиб, уларда илоҳиёт билан бирга дунёвий фанлардан риёзиёт, фалакиёт, ҳандаса, тиббиёт, мантиқ, илми аруз, илми қофия, илми маъний, илми баён, илми бадеъ ва бошқа фанлар ўқитилган. Шу муносабат билан Бухоро, Самарқанд, Гурганч, Марв, мадрасалари илми-фан фидойилари, фузалолари масканига айланди. Шунини қайд этиш лозимки, бу даврда дунёвий илм-фан илоҳиёт билан боғлиқ ҳолда ўқитилиб, тавҳид – Аллоҳни билиш, уни сифатларини англаш, яъни “Аллоҳ гўзал, у яратган нарсалар ҳам гўзал, у гўзалликни ёқтиради шу боис комил инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари ҳам гўзал бўлиши, инсон гўзалликка гўзаллик билан жавоб бериши керак” деган ақида асос қилиб олинган эди.

Туркий халқлар ҳокимияти IX асрда Сомонийлар сулоласи қўлига ўтади. Сомонийлар даврида Ўрта Осиё халқлари деярли юз йил мобайнида чет эл босқинчиларининг ҳужумига дуч келмади. Бу эса мамлакат ҳўжалиги ва маданиятининг ривожланишига қулай имконият яратиб берди. Бу даврда ажойиб олимлар, шоирлар, муסיқачилар, машҳур математик ва астрономлар – Мусо ал-Хоразмий, ўрта аср Шарқининг таниқли файласуфи, муסיқа соҳаси билимдони Ал Фаробий, тиббий фанлар ривожига улкан хисса қўшган буюк олимлар Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино яшаб ижод этдилар. Фаробий “Рисолаи Муסיқа”ни тугаллаб, “Ё алҳазар, эй муסיқа олами, яхшиямки, сен борсан, агар сен бўлмаганингда инсоннинг аҳволи не кечар эди!” деб хитоб қилган эканлар. Бу давр шоирлари ва муסיқачилари ижодидаги асосий жанр – ҳукумдорларни мадҳ этувчи қасида бўлиб, унинг муқаддима қисми (насиб)га чолғу асбоби жўр бўларди. Мадҳия табиатидаги муסיқавий-



шеърият асарлари билан бир қаторда илғор ижтимоий қарашлар ва кайфиятларни ифодаловчи кўшиқлар ҳам ижро қилинар эди. Баъзан ҳажвий кўшиқларда шоир ва муסיқачилар подшо ва амалдорларнинг хасис ҳамда пасткашлиги, руҳонийларнинг қизғанчиқ, иккиюзламачи ва мутаассиблиги устидан кулишарди. Айниқса, эркинликка чақирувчи дадил сўзлар –киноя, қочириқлар орқасига яширинган бўлиб, бундай кўшиқлар халқ ўртасида жуда тез тарқаларди. Буюк Абдуллоҳ Рўдакийнинг ижоди бунга ёрқин мисолдир.

X аср оҳирларига келиб турк тилида дастлабки илмий асарлар пайдо бўлди. Маҳмуд Қошғарийнинг кўшиқ ва эпик асарлари мажмуасидан иборат “Девоний луғатит турк” (“Турк тиллари луғати”), Фаҳриддин Муборакшоҳнинг турк шерияти ва муסיқа шакллари ҳақидаги маълумотлар баёни бўлмиш “Тарих” асарлари фикримиз далилидир. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий каби алломаларнинг кейинги асрларда яратган асарлари, Фаҳриддин ал-Розийнинг муסיқа жанри хусусидаги рисоалари туркий маданият тараққиётига, эстетик тафаккур ривожига катта таъсир кўрсатди

Ўрта Осиё муסיқа санъати эрамиздан олдинги асрлардаёқ халқнинг турмуш маданиятидан муносиб ўрин олган эди. Халқ сайллари, тўй-томошолари, “Наврўз” байрами ва бошқа маросимлар куй ва кўшиқларсиз ўтмас эди. Масалан, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” китобида келтирилган кўшиқлар юртимизда гўзалликнинг кенг тарқалганидан далолат беради. Бу китобда меҳнат ва маросим кўшиқлари, қаҳрамонлик кўшиқлари ҳамда ишқий, ахлоқий- таълимий шеърлар кенг ўрин олган. Қўшиқ ва шеърларда меҳнат жараёнлари, маиший ҳаёт манзаралари кишининг жўшқин ҳис-туйғулари умид ва орзулари ифодаланган. Меҳнат кўшиқларида бунёдкорликка, меҳнат машаққатларини енгиллатишга, хордиқ чиқаришга даъват этилади. “Девону луғатит турк”

асари орқали бизга этиб келган кўшиқлар халқнинг қалбидаги қайғу-хасратининг, шодлигининг йўлдоши, билим қомуси, диний-фалсафий тафаккур рамзидир. Ўрта Осиё халқлари мусиқа меросида мақомлар катта ўринни эгаллайди. Узок, тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган мусиқа бойлигимиз – “Шашмақом”нинг шаклланиши ҳам қадимги даврларга бориб тақалади. У дастлаб 24 мақом, кейин 12 мақом (унга Борбад. Марвазий асос солган, деб тахмин қилинади) ва ниҳоят XV асрнинг машҳур мусиқа олими Нажмиддин Кавкабий (1516-йилда вафот этган) томонидан олти мақом – “шашмақом” шаклида қарор топди. Шарқ мусиқа маданияти, хусусан Мовароуннаҳр ва Хуросон эстетик тафаккури ҳақида сўз борганда мусиқий ижоднинг буюк соҳиби Борбад номини эсламай бўлмас. Борбад Марвазийнинг асл исму шарифи Фалаҳбат бўлиб Марвазий унинг тахаллусидир (Марв шахрига ишора). Борбад – бу улуғ бастакор ва муғаннийнинг Хусрав II Парвез саройида мушарраф бўлган фахрли унвонидир. Бу ҳақда XIX асрнинг энг машҳур изоҳли луғати – “Ғиёс ул луғат” муаллифи Муҳаммад Ғиёсиддин ўзининг мазкур китобида шундай деб ёзади: “Борбад Хисрав Парвезнинг энг севимли ҳофизларидан бўлиб, мусиқа бобида ғоят катта истъододи бор эди. Бу мураккаб сўз икки қисмдан иборат бўлиб, луғавий маънога эга. “Бор” деганимизда “далолат қилиш”, “ижозат бериш” ва “бад” деганда илоҳийлик ёки бой-бадавлатлилик маъноларини билдиради. Парвез уни мажлис аҳли олдига олиб чиқиб, ҳаммага таништиради ва у ўзининг истъододи, ақлу заковати ила ана шу унвонини яъни “Борбад” номини олишга мушарраф бўлди...” Борбаднинг туғилган ва вафот этган йиллари номаълум. У фақат милодий 628 – йилгача яшаганлиги ҳақиқатга яқиндир. Худди ана шу йилда Хисрав II Парвез тахтни тўнтариш йўли билан подшоликни қўлга олган ўз ўғли Шеруя томонидан сарой зиндонида қатл этилганди.

Буюк бастакор Борбад мисли кўрилмаган мўъжиза – 12 мақомга асос солган. Маълумки, бизгача етиб келган мақомлар олтита, яъни “Шашмақом” дейилади. Борбад эса бир йилнинг 12-ойи тартибида 12-мақом (“Дувоздаҳ мақом”) яратган. Бу мақомларнинг ҳар бири ойнинг ўттиз куни ҳисобидан келиб чиқиб, 30 хил оҳангдан иборатдир. Демак, йилнинг 365 куни 365 хил оҳанг яратган. Борбад ўзига Марвазий (марвлик) таҳаллусини қабул қилган бўлса-да, аслида у Хуросоннинг шимолий қисмида жойлашган Наса (Ниса) шаҳарчасида туғилган. Шарқ илк Уйғониш даври қомусий олими Абу Наср Форобий (872-950) табиий – илмий, фалсафий, ижтимоий – сиёсий, ахлоқий масалалар санъати, ҳаттотлик ва мусиқа назариясига оид ўнлаб асарлар яратди. Унинг “Шеър ва қофиялар ҳақида сўз” (“Калом фи аъжр ва-л қавофи”); “Риторика ҳақида китоб” (“Китоб фи-л луғат”); “Хаттотлик ҳақида китоб” (“Китоб фи-л санъат ал китобат”); “Мусиқа ҳақида сўз” (“Калом фил мусиқий”); “Ритмлар туркумлари ҳақида китоб”, (“Китобул фи ихсо-ил-ико”) каби асарларида бевосита санъат назариясига оид арашлар баён этилган.

Форобий “Бахт-саодатга эришув ҳақида”га рисоласида инсон гўзалликни самарали идрок этиши учун унда нозик табиат ва ақлий мукамаллик замини бўлиши керак, ҳиссий ва ақлий қобилиятга эга бўлган инсонгина дунёнинг барча сирларини била олиши мумкин, деб таъкидлайди. “Инсон ақл –идроки туфайли инсонга айланади, билим инсонга бахт ва шодлик олиб келтиради, инсон билиш орқали ўзида гўзаллик ва мукамалликни кашф этади” деб уқтиради. Форобий одамларни илм билан, санъат билан шуғулланишга даъват этади ва шу туфайли гўзал нарсалар тушунарли нарсага айланади, деб кўрсатади.

Форобий инсон қобилиятини иккига: туғма ва кейин эришилган қобилиятга бўлади. Унинг фикрича туғма қобилиятга биологик, жисмоний ва баъзи рухий хусусиятлар киради. Уни камол топтириш жараёни эса

инсон ўз ҳаёти давомида илм, ҳунар ўрганиши, ахлоқий қонун-қоидаларни эгаллаши ва санъатни ҳаётий тажрибалар билан бойитиши орқали содир бўлади. Бундай фазилят, жумладан, эстетик фазилятлар инсон атрофини қуршаган муҳит таъсирида шаклланади.

Форобий инсоннинг ўз-ўзини тарбиялашида, уни эстетик ривожланишида назм ва муסיқа санъатининг ўрнини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, санъатнинг барча турлари бир-биридан фарқ қилади: назм санъати сўз билан, тасвирий санъат эса бўёқ билан иш кўради, лекин улар инсонга бир хил таъсир кўрсатади... У Арасту изидан бориб, бу санъатларнинг ҳар иккаласи тақлид қилиш ёрдамида кишиларнинг тасаввурига ва ҳиссиётига таъсир кўрсатишни мақсад қилиб қўяди, деб таъкидлайди.

Форобий санъат ўз моҳиятига кўра, руҳий ҳаётнинг инъикоси эканлигини яхши тушунган. Унинг фикрича, муסיқанинг кишилар туйғусига таъсири буюкдир. Бу илм шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган (одамлар) хулқини тартибга келтиради, ноқис хулқни мукаммал қилади ва мувозанатда бўлган (одамлар)хулқининг мувозанатини сақлаб туради, дейди у. Форобий муסיқанинг шифобахш кучини уқтириб, “бу илм тананинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир” дейди.

Форобий “Муסיқа ҳақида катта китоб” деган кўп жилдли асари билан ўрта асрнинг йирик муסיқашуноси сифатида машҳур бўлган. У муסיқа илмининг назарий ва амалий тармоқларини, куйларнинг ички тузилиши, қонуниятларини ҳисобга олиб, уларни таълиф ва илми иқога ажратади. У муסיқа назариясида товушлар вужудга келишининг табиий-илмий таърифини берибгина қолмай, куйлар оҳангдорлигининг математик тамойилларини очади, турли жадваллар, геометрия қоидалари асосида кўплаб мураккаб чизмалар келтиради, Шарқ муסיқасини унинг ритм-зарблари асосларини далиллар билан шарҳлаб беради.

Мутафаккирнинг ритм-зарб ҳақидаги таълимоти тез ёки сустлиги билан боғлиқ, урғули-урғусиз ёки шартли қабул қилинган сўзларни талаффуз қилишга асосланган. У ритм-зарблари ташкил этган бирликлар бўлмиш нақралар, улар бирикмасидан ҳосил этиладиган рукнларнинг турли хиллари асосида яратиладиган ритм-зарб ўлчовлари ва турларини ёритиб берган.

“Муסיқа ҳақида катта китоб” да фақат муסיқа назарияси ва тарихи баён этилмай, Шарқда маълум-машҳур бўлган рубоб, танбур, ноғора, уд, қонун, най каби муסיқа асбоблари ҳамда уларда куй ижро этиш қоидалари тафсилоти берилган. Форобийнинг ўзи моҳир созанда, бастакор, яни муסיқа асбобларининг ихтирочиси ҳам бўлган. У муסיқага инсон ахлоқини тарбияловчи, сиҳат-саломатлигини яхшиловчи тор илова қилиб, уни такомиллаштирган, овоз имкониятини оширган. Форобийнинг шеърият ва муסיқа назариясига оид асарлари Шарқ адабий эстетик қарашлари тарихида алоҳида ўрин тутди.

Форобийнинг “Бахт-саодатга эришув ҳақида” рисоласида санъатнинг улкан таъсир кучи ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Санъат унинг, фикрича, инсонда гўзал эстетик фазилатларни тарбиялашга қодир кучга эгадир. Шу боис мутафаккир инсон олдида алоҳида талаблар қўяди, Форобий мазкур рисоласида таълим-тарбия масалаларига алоҳида тўхталиб, ёшларнинг ахлоқий фазилати низомларини ҳамда уларнинг санъатни эгаллаши учун амалий малакаларини тарбиялаш – тарбиячиларнинг муқаддас вазифаси эканлигини кўрсатиб берди.

Форобий инсоний фазилатларнинг барчасини одамлар ва нарсалар гўзаллиги тарзида баҳолаб уларни мақсадга мувофиқлик ва фойдалилик томонлари билан узвий боғлайди. У “Шеър санъати ҳақида” деган рисоласида бадий фаолиятни ўзига хос тарзда воқеликка тақлид қилишга қиёс этиб, мусаввирлик ва шеърият бир-биридан

сўз ва бўёқ воситаларида ифодаланиши билан фарқланган ҳамда одамлар тасаввурига тақлид орқали таъсир ўтказишни мақсад қилиб қўяди, дейди. Бу таъсир, куч, тасаввур дейилади ҳамда у туйғу ва ақл-идрок оралиғида туради. Форобий эстетик қарашларида санъат яратган қиёфалар ақл ва умумий мушоҳада қабул қилиб олган ҳолда ўзининг яккашлигини йўқотиб қўймайди, идрок учун мумкин бўлган аниқ ҳиссий шаклини сақлаб қолади.

Ўрта Осиёнинг бошқа бир буюк мутафаккири Абу Райҳон Беруний (973-1048) меросида ҳам “мукамаллик” комил инсон маъносида қўлланилади. Беруний ўз даврининг қомусий олими бўлиб, у жуда кўп тилларни билган, ўтмишдош олимлар, шоир-ёзувчилар ва бошқа санъаткорларнинг асарларини ўқиган буюк аллома. Беруний ҳар қандай ҳаёт қийинчиликларига қарамай, инсоннинг буюклигига, унинг ақлига ва улуғворлигига астойдил ишонади. У табиий фанлар билан бир қаторда фалсафа, адабиёт, ахлоқ муаммолари билан махсус шуғулланган, турли халқларнинг урф-одатларини чуқур ўрганган. Унинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минерология” каби асарлари комил инсон ақл-заковати, маърифатининг ёрқин кўзгусидир.

Абу Райҳон Беруний нафосат ҳақидаги қарашларида воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлик манбан ҳамоҳанглик ва уйғунликдир, деб кўрсатади. Беруний ҳар қандай ҳаракат ва ундан ҳосил бўладиган натижалар моддага тааллуқлидир, унинг ўзи нарсалар, воқеа-ҳодисаларни бир-бирига боғлайди ва улар шаклларини ўзгартириб туради, деган фикрни илгари суради.

Беруний эстетик қарашларида нафосатнинг табиий асоси сифатида амал қиладиган ҳамоҳанглик айрим ва инсонга хос бўлган камолот, етуклиги сифати даражасида баҳоланган. Беруний фикрича ҳеч нимага муҳтож бўлмаган нарсаларни етук, мукамал дейиш мумкун.

Ўрта Осиё Уйғониш даврининг забардаст алломаларидан бири Абу Али Ибн Сино (980-1037) ўзининг эстетик қарашларида эстетика билан ахлоқ муаммоларини бир-бирига узвий боғлайди. У “Китоб уш шифо” асарининг сўз бошисида мусиқанинг эстетик хусусияти ҳақида гапириб, бу санъат турининг ахлоқий тарбиядаги аҳамиятига, шеъриятнинг кишиларга гўзал фазилатлар сингдириши имкониятларига тўхталиб ўтади, “шеърият тасаввурига таъсир кўрсатувчи нутқдир” деб уқтиради.

Ибн Сино ёш авлотни тарбиялаш оила ва давлатнинг муҳим вазифаси, жамият тараққиёти, жамиятнинг хўжалик ва маданий ютуқлари бевосита малумотлари, маданиятли кишиларнинг ўсишига боғлиқ деб ҳисоблайди, “барча билимларга эга нарсалар мукаммалликка мойилдир” деб таълим беради “мукаммаллик” атамасида у инсоннинг ички гўзаллиги ва эзгуликка интилишини ифодалайди.

Ибн Сино мусиқага оид бешта асар ёзган. Унинг мусиқага доир энг катта асари “Жоме илм-ал-мусиқий” (Мусиқа билимига оид тўплами) дир. Бу китоб олимнинг кўп жилдлик машҳур асари “аш-Шифо” туркумига кириб, математик билимлар қаторидан жой олган. Ибн Сино тақсимига кўра, мусиқа “аш-Шифо”нинг учинчи жумласининг учинчи фанидир. Асар олти бобга бўлинади. Ҳар боб мақола деб аталади. Кейин ҳар бир мақола ўз навбатида фаслларга бўлинади, ҳар мақола бошланишида унга алоҳида муқаддима ёзилган. Шу залда мусиқа асари олти мақола ва ўн тўққиз фаслдан иборат.

Ибн Синонинг мусиқага оид қарашларини ўз ичига олган асарлардан бири унинг “Ан-Нажот” китобидир. “Ан-Нажот” юқорида зикр қилинган “аш-Шифо” асарининг қисқартмасининг. Ибн Сино “ан-Нажот” китобининг аввалги уч қисмини – мантиқ, табиийёт, илоҳиёт қисмларини ёзан шу билан уни тугади, деб ҳисоблаган. Кейинчилик унинг шогирди Абу Убайд ал-Жузжоний кўлида бўлган Ибн Синонинг геометрия, астраномия ва мусиқага оид

рисолаларини унга кўшган ,ҳатто “ан-Нажот”нинг риёзий қисмини мукамал ҳолга келтириш мақсадида унинг “Ҳисоб” китобини қисқартириб унга тиркаган. Натижада бу китоб кўзланилган мақсадга мувофиқ, яъни “аш-Шифо”нинг бу тўғридаги мавзуини ҳам қамраб олган.

Ибн Синонинг “Донишнома” асарида ҳам муסיқага оид бўлим бор “Донишнома”нинг муסיқа қисми тўққиз фаслдан иборат бўлиб, уларда муаллиф товушларни, уларнинг баланд-пастлиги, нағмаларининг бир-бирига боғлиглиги, ритмлар, куйлар ҳаракати, муסיқа асбоблари ва куйни безаш каби масалалар устида фикр юритади. Бунда ҳам борбад, танбир шоҳрут, най каби муסיқа асбоблари ҳақида фикрларини баён этган.

Ибн Синонинг муסיқага оид тўртинси асари “ал-Мадҳад ил минаат ал муסיқий” (“Муסיқа санъатига кириш”) китобидир.

Ибн Синонинг муסיқага оид бешинчи асари “Китоб ал-Лавоҳик” (“кўшимчалар китоби”)дир.

Ибн Синонинг муסיқага оид асарларини Шарқ илк Уйғониш даври муסיқа маданияти қай даражада бўлганлигини кўрсатиб турувчи бир мезон, эстетик тафаккурнинг нақадар тараққий этганидан далолат берувчи манба сифатида баҳолаш мумкин.

Шарқ Уйғониш даврининг эстетик тафаккури тараққиётида Кайковуснинг 1082-1083 йиллар яратилган “Қобуснома” асари муҳим ўрин тутди. Кайковус бу асарини ўғли Ғилоншоҳга бағишлаб ёзган. Кайковуснинг бобоси Қобус Сомонийлар ва Маҳмуд Ғазнавийлар хонадонига яқин бўлиб, уларнинг давлат бошқарув ишларида қатнашган. Китоб муқаддимасидаёқ Кайковус ўғли Ғилоншоҳга мурожат қилиб, эстетиканинг муҳим тушунчаси – гўзаллик ва унинг сўздаги ифодаси, маънавий меросига ўз муносабатини билдиради: “Билгилки, халқнинг расми, одати шундай: югуриб-елиб, қидириб-ахтариб дунёдан бирор нарса ҳосил қилади ва бу топган нарсасини



ўзининг энг яхши кўрган кишисига қолдириб кетади. Мен дунёда манна шу сўзларни ҳосил қилдим, сен эса мен учун энг қиммат баҳолисан”.

Гўзаллик тийғусини идрок этиш, яъни борликқа эстетик муносабатда бўлиш инсоннинг ахлоқий-ҳулқий хислатлари орқали намоён бўлиши ҳақида Шарқ илк Уйғониш мутафаккирларининг фалсафий-эстетик қарашлари ислом эстетикасининг моҳият-мағзини ташкил этади. Шу боис “Қобуснома” да ҳам эстетик кадриятлар алоҳида кадриятларга ўраб баён қилинган. Асар қирқ тўрт бобдан иборат бўлиб, унда ота-онани ҳурмат қилиш гўзаллигидан тортиб, ҳунар ўрганиш, суҳандонлик, қариллик ва йигитлик сифатлари, меҳмоннавозлик, севги-муҳаббат, мол-дунё тўплаш, бировнинг омонати, уйланмоқ ва фарзанд тарбияси, тижорат ва бозорчилик, шоирлик, ва ҳофизлик-созандалик, подшоҳ хизмати, сипоҳийлик, деҳқончилик, жувонмардлик (тўғри сўзлик, поклик, олижаноблик ва ҳ. к.) каби инсоннинг гўзал фазилатлари ҳақида сўз боради. Шуниси қойилмақомки, доно панд-насихатлар мазмуни гўзал ҳулқли, комил инсонга қаратилган бўлиб, илоҳий ва дунёвий гўзалликларни кадрлашга даъватлар билан нурлантирилган.

IX-XII аср эстетик тафаккур тараққиётида Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадуғу билик”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳуббатил ҳақойиқ”, Фирдавсийнинг “Шаҳнома” асарлари ҳам муҳим ўрин тутди. Шунингдек, Бобо Кухий (вафоти 1050 йил), Абдулла Ансорий (1003-1088 йиллар), Абдумажид Санойи (вафоти 1050йил), Аҳмад Яссавий (вафоти 1166 йил) каби аллома шоирларнинг тасаввуф асарларида ҳам гўзаллик исломий йўналишда идрок этиш жозибали тасвирланган эди.

### **Навойи ва унинг издошларининг эстетик қарашлари.**

(XV XVII асрлар).

Икки дарё оралиғи маданияти, айниқса, эстетик тафаккур XIV-XV асрларда жадал тараққий этди. XII асрда

мўғуллар истилоси туфайли Ўрта Осиёнинг ҳунармандчилик ва маданият марказлари хонавайрон бўлди. Аммо мўғул истилочилиги Амир Темур бошчилигида йирик давлатнинг ташкил топиши билан барҳам топди. Амир Темур давлатида ишлаб-чиқариш, савдо-сотик, ҳунармандчилик ва шаҳарлар қурилиши ривожланди. Бу даврда Улуғбек, Али қушчи, Жамшид Коший, Лутфий, Атоий, Саккокий, Жомий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод каби жаҳон фани ва маданиятининг улкан намояндалари бўлган бир қанча мутафаккирлар ва санъаткорлар яшаб ижод этдилар. Албатта, Амир Темур ва темурийлар ҳукумдорлигидаги мустақил давлат фақат ички захиралар ҳиссобибагина эмас, балки бошқа юртларни фатҳ этиш эвазига жамланган бойликларни ўзлаштириш ҳисобиба ҳам тикланганлиги ва ривожланганлигини қайд этмоқ зарур.

XV аср фалсафий, адабий-эстетик тафаккури тараққиёти силсиласи Алишер Навоий номи билан боғлиқ. Буюк шоир, олим ва давлат арбоби Алишер Навоий ўзидан кейинги авлодларга улкан адабий-бадий хазина, гўзаллик билан нурафшон бир мерос қолдирдики, бу мерос ҳали тўлиқ ўрганилган эмас. Навоий фалсафий, адабий-эстетик қарашлари меҳварида комил инсон тарбияси, унинг гўзалликлар қуршовидаги ҳаёт тарзи қандай бўлиши керак, деган масала туради.

Алишер Навоий ижоди – бадий, тарихий, илмий-фалсафий асарларининг ҳар бир сатрида Сўз дур-жавоҳирга айланган ва гўзаллик билан зарҳалланиб жилолантирилган. Навоий гўзалликни, нафис санъатни юксак қадрлаб, нафис санъат инсон маънавий олами, камоли учун калит эканини таъкидлайди. Унинг ёзган шеърларидан бирининг мазмуни бундай: бизга яна бир шифо дориси берилган бўлиб, уни санъат деб атайдилар, гўзаллик яратувчи санъаткорлар чизган расмлар – мўъжизакордир. Улар инсон руҳига майин таъсир қилиш қудратига эга.

Навоий ўзининг “Фарҳод ва Ширин” достонида Форҳод деворларни суратлар билан беаб, уларда Ширин расмини чизганлигини, айти вақтда Шириннинг ўзи ғоят гўзал ҳурпарилар қуршовида ҳам ўзининг беқиёс ҳусни билан ажралиб тургани тасвир этилганини ҳикоя қилади.

Навоийнинг адабий, тарихий ва фалсафий асарларида гўзаллик, нафис санъат ҳақидаги фикрлар тўлиб-тошиб ётибди. Шу билан бирга унинг адабий-эстетик қарашлари “Мажолис ул-нафоис”, “Мезон ул авзон” ва “Муфрадот” асарларида янада ёрқин ифода топган. “Мажолис ул-нафоис”да 450 дан зиёд шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритилиб, улар ижодининг энг чўққисини кўрсатувчи асарларидан мисоллар келтиради, уларни ютуқ ва камчиликларини баҳолайди. Навоий даврида косиблар, ҳунармандлар, усталар, наққошлар, созандалар, ҳофизлар, олимлар, амирлар ва амалдорлар ҳам шеър ёзганлар. У даврда шоирлик касб бўлмаган. Булар турли эстетик нуқтаи назардаги кишилар бўлиб, улар орасида “изҳори фазилат”, “эрмак” учун шеър ёзадиган шаклбозлар ҳам бўлган. Навоий шу хил шоирларни қаттиқ танқид қилади.

Навоий замонида шеърининг ғазал жанри кенг тарқалган эди. Айти маҳалда рубоий, қитъа, муаммо, туюқ, қасида ва бошқа жанрлар ҳам эътибордан четда қолмаган эди. Навоий ана шу жанрларда ижод қилувчи шоирларнинг ютуқ ва камчиликларини мисоллар билан ёритиб беради.

Навоий бадиий сўз санъатининг, маърифий-тарбиявий, ҳиссий-руҳий қувватини алоҳида такидлар экан, шоир-санъаткор хулқ-атворида алоҳида ўрин ажратади. Чунки, одоб-ахлоқ ислом эстетикасининг таркибий бўлаги бўлиб, мусулмон киши ҳаёти ва фаолияти одоб қоидалари мезони билан ўлчанар, баҳоланар эди. Шу тариқа навоий шеър соҳибларининг камтарлик, ҳимматлилик, хушмуомалалилик, саҳийлик каби фазилатларини зўр қониқиш билан таъкидлайди.

Алишер навоийнинг эстетик қарашлари “Мезон ул авзон”, “Муфрадот” асарларида ёрқин ифодаланган.

Навоий муסיқа илмини Хожа Юсуф Бурхондан ўрганиб, муסיқанинг назарий ва амалий қирраларини пухта ўзлаштирган эди, “Бобирнома” да Навоийнинг машҳур асарлари саналгандан кейин “яна илми муסיқийда яхши нималар боғлабдур, яхши нақш (ашулали куй)лари, яхши пешрав (ашуласиз куй)лари бордур” дейилади.

Абдурауф Фитрат “Ўзбек муסיқаси ва унинг тарихи” асарида қадимда хонақоҳларда айтиладиган “Нақш мулло” куйи Жомий асари, “Шашмақом”даги “қари Наво” куйи Алишер Навоий асари эканини эслатиб шундай ёзади: “Бу кун Ўзбекистоннинг кўп ўринларида “қари Наво” исмли бир куй бор. Бу куйнинг жуда эски бир куй экани ҳар томонда сўйланиб турадир. Бухоронинг эски муסיқашунослари орасида бу куйнинг Навоий асари бўлғони сўйланадир. Манашу маълумотлардан сўнг “қари Наво” куйининг А.Навоий асари бўғани эҳтимоли кучланиб қоладир. Ҳар ҳолда биз шу эҳтимолни кўзда тутиб “қари Наво” куйининг нотасини асаримизга илова қилишни муносиб кўрдик. Навоийнинг муסיқийга ҳизмати ёлғиз куйлар басталамак билан қолмайдир.”.

“XIX асрнинг иккинчи ярмида Чор Россияси томонидан Туркистоннинг истило қилиниши оқибати моддий-эстетик ва бадиий жараёнларнинг тубдан ўзгаришига муайтан таъсир кўрсатди. Сиёсий ва мустамлакачилик мақсадларини кўзлаб кенг миқёсида олиб борилган тадбирлар Туркистон зиёлиларининг маърифатпарварлигини янада фаоллаштирди. Муштарак мақсадларни ифодалайдиган фалсафий-бадиий асарларнинг юзага келишга олиб келди.

Маърифатпарварлик маданияти алоҳида ижтимоий-эстетик тушунча сифатида намоён бўлди.

Маърифатпарварлик ғояларининг Маракзий Осиёда тарихан шаклланган турлари муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий маҳдудликка маҳкум этилган, бутунлай сиёсий эркинлиги ва мустақиллиги Чор Россияси ихтиёрига ўтказилган халқнинг зўравон ва сиёсий жиҳатдан бирмунча устун бўлган тузумга бўйсунмасдан иложи йўқ эди.

Чор Россияси истилоси давридан бошлаб Туркистон ижтимоий-маданий ҳаётига Овropa ҳаёт тарзи кириб келди.

Шу муносабат билан Фурқат қуйидагиларни ёзган эди. “...неча мартаба театр номли русия халқи томошасини бориб андаги ўюн – тақлид тартибларни кўрдим. Аларнинг кўрсатган томошаси – ҳунарлар бизнинг масхарабоздек мазах – кулгу эмас, балки ибрат учун экандир”.

Европача рус-тузум маорифини уларнинг маданий тадбирларини идрок этиш – тан олиш, матбуот саҳифаларида тарғиб қилиш, дипломатик имкониятлар ва у орқали Россия ва жаҳон шаҳарлари сиёсий ва маданий ҳаёти билан яқиндан танишиш ва бошқа шу каби ҳодисалар бу давр маърифатчилигининг биринчи даврига хос бўлган асосий хусусиятларни ифодалайди.

Объектив ва субъектив омилларга кўра миллий-озодлик кайфиятининг кириб келиши натижасида кескин ўзгаришлар юз берди. Бунга “...ўтган аср охирида ижтимоий-сиёсий кескинликлар – “вабо” қўзғолони (Тошкент), Дукчи эшон воқеалари (Андижон)нинг кучли таъсири бўлгани маълум”.

Маърифатпарвар зиёлиларнинг чет элларда бўлиши уларнинг баъзиларида маънавий тушкунлик руҳини олиб келди.

Бинобарин, ўлкамизда юзага келган миллий-озодлик ҳаракатлари (хусусан 1916 йил) нинг таъсири ўлкамизнинг илғор фарзандлари Фитрат, А. Қодирий, Чўлпон сингари маданий арбоблар ижодига кучли таъсир кўрсатди.

Халқимизнинг Беҳбудий, Авлоний, Ҳамза каби намояндалари эса ўз ҳисобларидан янги усул мактаблари, театр, кутубхоналар очдилар, газета-журналлар чоп этдилар. Ўзлари пьеса ва асарлар ёзиб, ўзлари актёрлик,

ўқитувчилик, ноширлик қилдилар. Барча саъй-ҳаракатлари билан ўз халқини маърифатли қилишга интилдилар.

Давр муҳитидан келиб чиқиб Туркистон илғор эстетик ғоялари моҳиятига мурожаат қилсак, шубҳасиз, Фитрат, Абай, Дониш эстетик қарашларининг нечоғли катта ўрин тутганини кузатиш мумкин.

“Ақлли одамларнинг аломати, улардаги яхшиликнинг ёмонликдан кўпроқ бўлишида”, деб ёзган эди Дониш.

Абай эса эстетик маърифатнинг зид кўринишларига тўхталиб, ижтимоий тенгсизлик ва ноқобилликнинг моҳиятини очиб беради.

Абай инсониятнинг бош душмани борлигини санаб, улар: ғийбатчилар, ёлғончилар, маккорлик, танбаллик, исрофгарчилик эканини таъкидлайди. Золимлик ва нодонликнинг энг хунук тушунча сифатида эстетик нуқтан назардан баҳолайди.

Бадиий ижод асосида “Хунуклик” ва “Ёвузлик” тушунчалари чуқур талқин этилди. Хулқ-атвор эстетикаси Беҳбудий ва Авлоний асарларида етакчи тамойилни ташкил қилади. Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида яхши хулқлар тизимини кўрсатиб берди. (қаралсин: Абдулло Авлоний, “Туркий гулустон ёхуд ахлоқ”, Тошкент, 1992 йил. 13-бет). Демак, гўзаллик мавжуд дунёдан ташқари эмас, балки реал моддий дунёдадур, деган фикр маърифатпарварлик эстетикасининг бош мавзусидир. Санъатнинг вазифаси ҳаёт қандай бўлса, уни шундай акс эттириш, одамларга маънавий озуқа бериш ва турмуш мазмунини тушунишда, билимни зарур эканлигини англашда уларга ёрдам беришдан иборат.

Маърифатчиларнинг эътиқодига кўра. Комиллик – гўзаллик мезони. Улар тасаввуфий ақидаларга содиқ ҳолда маънавийликда ақл ва адабнинг устиворлигига алоҳида аҳамият берадилар.

Маърифатпарварларнинг санъат ҳақидаги қарашлари ва бадий эстетик ижодиёти Ҳамза, Фитрат, Бехбудий, Чўлпон ва бошқалар томонидан ривожлантирилди.

Миллий ва умуминсоний ғоялар билан суғорилган Туркистон халқларининг бой ва серқирра эстетик тафаккури тарихи миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда, маънавий равақ топишида муҳим омиллардан ҳисобланади.

### **Таянч иборалар:**

Эстетика, нафосат, Гўзлаллик, Абу наср Фаробий эстетикаси, Абу Райхон Беруний эстетикаси, Абу Али Ибн Сино эстетикаси,

#### **1 – мавзуда фойдаланилган адабиётлар.**

1. Умаров Э. “Эстетика” Тошкент. “Ўқитувчи” нашриёти 1995 йил.
2. Умаров Э, Каримов Р, Мирсаидова М, Ойхўжаева. “Эстетика асослари” Тошкент. “Чўлпон” нашриёти. 2006 йил.
3. Абдуллаев М, Йўлдошев А. “Эстетика тарихи” Фарғона, “Фарғона” нашриёти, 1996 йил.
4. Фалсафа. қомусий луғат. Тошкент. 2004 йил.

### **МАВЗУ: 2. ЭСТЕТИКАНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.**

#### **РЕЖА:**

1. Эстетик онг ва эстетик фаолият.
2. Эстетиканинг асосий категориялари.
3. Мустақиллик маънавияти ва эстетик маданият.

### **II БОБ. ЭСТЕТИК ОНГ ВА ЭСТЕТИК ФАОЛИЯТ**

#### **ЭСТЕТИК ОНГ**

*Онгни, тафаккурни  
ўзгартирмасдан туриб биз  
кўзлаган олий мақсад – озод ва  
обод жамиятни барпо этиб  
бўлмайди.*

**Ислом Каримов**

Эстетик онг ва эстетик фаолият ўзаро боғлиқ бўлиб, эстетик фаолият эстетик онг асосида вужудга келади, шаклланади, яъни эстетик фаолият онгнинг амалгам оширилиши ва модиллаштиришдир. Агар муайян талаб-эҳтиёжлар бўлмаса, инсон фаолиятининг муайян шакли ҳам вужудга келмайди.

Эстетик талаб – эҳтиёжлар инсонни фаолиятга ундайди.

Фаолият эса янги талаб ва эҳтиёжларни келтириб чиқаради. эстетик фаолият моддий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини – меҳнат шароитларини ҳам, меҳнат самараларини ҳам қамраб олади.

Эстетик фаолият санъатда энг соф ҳолда кўринади. Чунки меҳнат ва санъат гўзаллик қонунларига риоя қилган ҳолда яратилади.

Олимларнинг салоҳияти, ижодий меҳнати ҳатижалари ва самаралари уларнинг эстетик маданияти даражасига бевосита боғлиқ бўлади. Фараз-эстетик ҳис-туйғу билан биргаликда кечадиган жараён дир. Фаҳм-фаросат – бу ҳақиқатни бевосита мушоҳада этишдир.

Фаҳим-фаросациз ижоди фаолият бўлиши мумкун эмас. Илмий ижоднинг эстетик мазмуни қузонч, шодлик ҳиссини қондиришдагина меас, балки илмий изланишлар натижалари вауларга эришиш усулларида ҳам ифодаланади. Булар эстетик ҳис-туйғу билаҳ бевосита алқада ва боғлиқликда амалгам ошади.

Инсонинг ҳар қандай фаолиятида эстетик манба мавжуд, у ўз фаолияти давомида моддият билан бирга маънавиятга, яъни шдлик, севинч, орзу-умид, эрк-озодлик



туйғуларига суюниб яшайди, воқия-ходисаларни ижтимоий баҳолашга ҳаракай қилади. Инсон ўзининг бу хусусиятини йўқатиб қўйса, унинг фаолияти моҳият табиятидан маҳрум бўлиб қолади.

Инсон амали фаолияти жараёнида воқиликка бўлган муносабатининг амали-назари, ахлоқи ва эстетик шакллари вужудга келади. Инсоннинг воқиликка бўлган муносабати хилма-хил, кўп қиёфалива ранг-барангдир. Улар, бир тамондан, вақеа-ходисалар нинг ўзи кўп қиёфалилига, серқирралилиги, кўп сифатлилигидан, иккинчи томонидан эса, фаолият жараёнида туғуладиган инсон эҳтиёжлари ва манфаатларидан келиб чиқади. эстетик онг (гўзаллик, хунуклик ҳақидаги тасаввурлар) ҳамда санъатнинг воқеликка муносабати тўғрисидаги масала эстетик ва санъатшуносликни туб масалаларидан бири бўлиб қолади. Бу масалани файласуфлар, санъат назоратсхилари, рассомлар турлича ҳал қилиб келганлар.

Эстетик онг кисхиларнинг табиат ва жамиат билан ўзаро алоқаси жараёнида, меҳнат жараёнида пойида бўлади ва ривожланади. Масалан; дастлабки даврда стихияли, кейин онгли равишта эҳтиёжни қондириш учун санъаткордан иш бажариш орқали ривожланган. Ҳаётнинг ўзи-гўзаллиги манбаидир. Онг эса уни акс эттиради.

Эстетик онг ҳаётнинг ҳамма соҳаларини – табиатни ҳам, кишининг оламини ўзлаштиришга қаратилган фаолиятини ҳам қамраб олади.

Эстетик онг бирнеча турларга бўлинади:

1. Эстетик ҳис-туйғу.
2. эстетик дид.
3. Эстетик баҳо.
4. Эстетик идеал ёки эстетик орзу.
5. Эстетик назария (концепсиялар ва бошқалар).

Инсоннинг оламини эстетик ўзлаштириши бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган уч жиҳатдан иборатдир:

1. Объектив воқеликдаги эстетиклик.

2. Субъектив эстетиклик (эстетик онг).

3. Санъат (субъектив ва объектив эстетикликнинг ўзига ҳос бирлиги).

Эстетика бу жарёнларнинг моҳиятини, қонуниятларини ва муайян кўринишларини уларнинг диалектик бирлигида ўрганади.

### *ЭСТЕТИК ҲИС-ТУЙҒУ*

Эстетик ҳис-туйғу – инсоннинг воқеликка, кичиларга, ўз фаолиятига нисбатан муносабатдир. Бу туйғу бизни ўраб турган воқеликни эстетик жиҳатдан ҳис этиш қобилиятидир, унинг гўзаллигини, уйғунлигини сезишдир.

Эстетик туйғу ижтимоий ва табиат ҳодисаларининг гўзаллигидан, инсон гўзллиги, инсон меҳнати, ижтимоий фаолият ва санъат гўзаллигидан завқ олишда намоён бўлади.

Бошқа ҳолларда у хунук, ярамас нарсалардан нафратланганда маънавий характерда намоён бўлади.

Эстетик ҳис-туйғу – бу чуқур маънавий туйғудир. Ўз ишини виждонан бажарадиган кишида меҳнатдан фахирланиш, ҳаётдан мамнунлик туйғуси кучли бўлади, шундай туйғу билан яшаш инсонга эстетик завқ беради.

Эстетик ҳис-туйғу ҳақида Белинский шундай дейди: “Уларда (болаларда) эстетик туйғуни ҳам тарбияланг. Бу барча гўзаллик ва олижаноблик манбаидир”.

Умар Ҳайём эстетик туйғу ҳақида шундай дейди: “Асосий туйғулар бешта: эшитиш, кўриш, ҳид билиш. таъм билиш, ҳис этиш ва бу, бадандаги жонга ўхшаган барча беш туйғунинг ўрни бошдадир. Шунинг учун улар тож ясадилар ва уни бошга кийгиздилар, сирға ясаб кулоққа тақдилар, билакузук ясаб қўлга тақдилар, узук ясадилар ва бармоққа тақдилар ва дедиларки, қилич қўлнинг фазилати ва кучи билан ҳаракат қилади. Шунинг учун билакузук шарафи

зарур, қалам бўлса, бармоқнинг кучи ва истъядоди билан ҳаракат қилади”.

Эстетик ҳис-туйғулар мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида нафосат, ҳамоҳанглик, оҳанг, шакллар, уйғунлик, мослик каби тушунчалар билан бирга шодлик, ҳайратланиш, ажабланиш, роҳатланиш, лаззатланиш, эҳтиром, завқ-шавқ, нафрат каби тушунчаларни ҳам қамраб олади.

Кайковуснинг “қобуснома” асарида ҳис-туйғу аъзоларнинг аҳамияти тўғрисида: “қачонки, сезгиларинг ишдан чиқиб эшитмоқ, кўрмоқ, исламоқ, мазани билмоқ, қаттиқ ва юмшоқни ушлаб билиш лаззатидан маҳрум бўлсанг, бундай яшашдан ўзинг ҳам шод бўла олмайсан, бошқаларни ҳам шод қила олмайсан, бошқаларни бўйнига тушган оғир юк бўласан, бу ҳолда яшашдан ўлим яхшироқдир”, дейилган.

Улуғ шарқ мутафаккирларидан бири Абу Райҳон Беруний туйғу аъзолари ҳақида шундай дейди: “Кўз-кўришига келсак, маҳлуқотдаги ҳикмат изларини кузатиб, ундан хулоса чиқариш ва яратилган нарсаларнинг яратувчиси ҳақида фикрга келиш учун хизмат қилади. эшитишга келсак, қулоқ – Тангри сўзи ва унинг “қилган” ва “қилмаган” деган амр ва қайтариқларини эшитиш учундир. Сўнгра қулоқ бунга қаттиқ бўйсуниб, Худога яқинлашиш ва чинакам эминликка этишиш учун яратилган. Бу нарса донолардан ҳам, авомлардан ҳам яширин эмас”.

Кайковуснинг “қобуснома” асарида: “Билгилким, ҳамма ҳунардан сўз ҳунари яхши, чунки... бошқа жониворлардан одам ўн даража ортиқдир ва бу афзаллик одамнинг баданида бордир: беши одам танасининг ташқи томонида зоҳир бўлади ва беши ичида яширингандир”.

1. Бир нарсани ёд қилмоқ.
2. Ҳамиша эсда сақламоқ.
3. хаёл қилиш.
4. Фарқ қила билиш.

5. Нутқ.

Бештаси одам танасининг сезги аъзолари билан боғлиқ:

1. Эшитув

2. Кўрув.

3. Ҳид билиш.

4. Таъм билиш.

5. Сезиш.

“Булар бошқа жониворларда ҳам бор, аммо одамдагидек эмас. Шунга кўра, одамзод бошқа жониворлар устидан ҳукумронлик қилувчи подшодир”, - деб таъкидланади.

Эстетик ҳис-туйғулар билан ахлоқий ва ақлий билиш ҳис-туйғуларини тарбиялаш жараёни яхлид бўлиб, якка одамнинг, айниқса, болаларнинг ахлоқий тарбияси ва ақлий равнақи уларнинг эстетик ҳис-туйғуларини ривожлантириш билан қўшиб олиб борилади. Шу асосда эстетик дид тарбияланади.

## *ЭСТЕТИК ДИД*

Эстетик дид мураккаб ва кўп қирралидир. эстетик дид инсоннинг фикр-мулоҳазалари, хулқ-атвори, хатти-харакатлари, моддий ва маънавий ижодкорлиги орқали намоён бўлади. эстетик дид воқеа-ҳодсаларнинг эстетик сифатларини инсон томонидан идрок этмоқ ва баҳоламоқ жараёнида олинадиган қониқиш ёки қоникмаслик туйғуси орқали ифода топади. эстетик дид заминида гўзалликни хунукликдан ажрата билиш ва ундан беғараз шодланиш ва лаззатланиш қобилияти ётади. эстетик дид ҳис-туйғулар билан иш кўради, яъни ҳаёт гўзалликлари ва воқеаларини ҳис эта билиш, воқеали тўқнашувларда фарқлай олиш қобилияти орқали намоён бўлади.

Эстетик дид одамларнинг дунёқараши, айниқса, эстетик қарашлари орқали ёрқинроқ кўринади. Лекин эстетик қарашлар ва билимлар ҳамма вақт ҳам эстетик дидни

ифодаламайди. Баъзан инсон муайян эстетик қарашлар ва эстетик билимларга эга бўла туриб ҳам паст ёки ривожланмаган эстетик дид эгаси бўлиб қолиш мумкин.

Муסיқа эшита олиш қобилияти ва бу жиҳатдан эстетик дидни тарбиялаш масаласи сгарқ алломаларидан Форобийнинг мулоҳазаларидан четда қолмайди.

Инсоннинг ибтидосида, аввало, “озиклантирувчи қувват” пайдо бўлиб, унинг ёрдамида инсон озиқланади. Шундан сўнг “ташқи ва ички қувватлар” юзага келади. Ташқи “қувват”, яъни бевосита ташқи ташқи таъсир натижасида сизги аъзолари орқали вужудга келади.

Ташқи қувватлар 5 турлидир.

1. Тери-бадан сезгиси.
2. Таъм билиш сезгиси.
3. Ҳид билиш сезгиси.
4. Ешитиш сезгиси.
5. Кўриш сезгиси.

Буларнинг ҳаммаси ҳиссиёт қуввати деб аталади. Ички қувватларга.

1. Есда олиб қолиш.
2. Ҳаёл (хотира, тасаввур).
3. Ҳис-туйғу.
4. Нутқ (фикрлаш) қувватлари киради.

Бунда у ақлий билиш назариясининг босқичини назарда тутлади.

Абу Райҳон Беруний ҳис-туйғу аъзолари ҳақида қуйидагича таъриф келтиради: “Уларни панча модали, яъни беш она деб атайдилар ва сезиш орқали билинадиган бешта нарсалар” деб тавсифлайди.

1. Содда унсуре бўлган осмон – шабада, яъни эшитилиб билинадиган.
2. Шамол – спарма, яъни тегиб билинадиган.
3. Олов – рўпа, яъни кўрилиб билинадиган.
4. Сув – Раса, яъни татилиб билинадиган.

5. Тупроқ – гандха, яъни ҳидланиб билинадиган нарсалардир.

### *ЭСТЕТИК БАХО*

Эстетик бахо умуман воқеликка, жумладан исталган бир аниқ буюмга бўлган нуқтаи назаримизнинг ажралмас бир қисмидир.

Эстетик бахо бу гўзалликни ҳодиса ва фактларнинг эстетик қиммати бевосита эмас, балки, маъносига тўла тушунган ҳолда билишдир. эстетик бахо бу оддий сезги, кечинма (баъзан чуқур, лекин стихияли кечинма) эмас, балки, маълум эстетик тамойилларга, эстетика соҳасининг моҳиятини чуқур тушунишга асосланган бахо беришдир. Бундай бахо бериш – таҳлил этиш, нисбатлаш, асослаш мумкинлигини назарда тутди.

Эстетик дид билан эстетик баҳолаш ўртасида фарқли ва умумий томонлар мавжуд. эстетик баҳолаш – диднинг айнан ўзи эмас, балки, унинг фикр-мулоҳазалари оғзаки ифодасидир. Унинг фикр-мулоҳазаларида ақлий томон кўпроқ ўрин эганлайди. Дид фикр-мулоҳазалари (ақлий) доимо баҳоланаётган нарсаларнинг, воқеа-ҳодисанинг англаб ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлиб, бошқаларга мўлжалланган ҳолда далилларнинг мантикий исботланишини тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, эстетик бахо жамият ва табиат ҳодисалари, инсоннинг меҳнатининг , санъат асарларининг маҳсули ҳақида асосли эстетик муҳокаманинг натижасидир.

### *ЭСТЕТИК ИДЕАЛ*

Эстетик идеал – бу грекча “тасаввур” ёки “орзу” демакдир.

Идеални асосан ижтимоий идеал ахлоқий идеал ва эстетик идеалга бўлиш мумкин.

1. Ижтимоий идеал - бирон-бир ижтимоий гуруҳнинг интилишлари ва фаолиятининг оилй мақсади манфаатларига мувофиқ келадиган тасаввур.

2. Ахлоқий идеал – ахлоқий камолот ҳақидаги тасаввурлардир, яъни ўртоқларча ўзаро ёрдам, байналминаллик, адолатпарварлик, ижтимоий бурчни юксак даражада бажариш, ҳаққонийлик, камтарлик ва шу каби хислатларни назарда тутди.

3. Эстетик идеал – субъект билан объект, инсон билан ижтимоий бутунликнинг тарихан энг тўлиқ узвий бирлиги бўлиб, бу бирлик туб мақсадлар сифатида инсон ижодий кучларининг эркин ва ҳар томонлама ривожланишида ўз ифодасини топади.

Инсон гўзаллигининг ҳар томонлама мукамаллиги киши гўзаллигининг эстетик идеали ҳисобланади.

Идеал тушунчаси тўғрисида Лев Толстой ўзбек зиёлиси марҳум (1938 йил қатл этилган) Убайдуллахўжа Асадуллохўжа ўғлига ёзган хатида (1909 йил) шундай дейди: “Идеални таомилнинг оддий қоидаси деб билиш катта хато ёки ўз-ўзини алдашдир.бу ҳаётда ҳеч қачон тўла эришиб бўлмайдиган, этук камолотни талаб этувчи идеалгина идеал бўла олади. У ҳаётда Раҳнамо сифатида қарурдир, ҳаётда эришиб бўлмайдиган, ана шу камолотдан далолат бергандагина зарурдир. Меҳр-муҳаббат идеали ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин”.

Идеал – жамиятнинг юксак ва олижанод мақсади, келажакдан кўзланган ғояси, орзуси. Ижтимоий идеал мисоли маёқ бўлиб, жамият қаёққа ва қандай мақсадда қадам ташлашида ғоявий-мафкуравий ва маънавий-руҳий йўл кўрсатиб туриши лозим. Ижтимоий идеал зарурияти шунда.

Барча улуғ ижодкорлар аввалги даврларнинг ижтимоий идеалларидан ҳам куч-қувват олганига тарих гувоҳ.

Ижтимоий идеал аниқ бўлсагина жамиятда бадиий адабиётга соғлом эҳтиёж пайдо бўлади. Миллатнинг бутун маънавий-рухий қуввати ижтимоий идеалда жамланади ва аниқ мақсадга йўналтиради. Айти шундай соғлом эҳтиёж катта адабиётнинг вужудга келтиради. Бу ҳол бадиий адабиётнинг эркинлигига раҳна солмайди. Чунки эркинлик бошбошдоқлик бўлмай, кўзланган оилий мақсад сари собит қадам билан юришдир, акс ҳолда адабиёт йўлини йўқотган одам каби тўрт тарафга аланглаб, жойида депсиниб қолиши мумкин.

Буюк адабиёт кучли ва барқарор давлат ҳамда кучли жамияга хос ҳодисадир.

Мирза Бедилнинг дунёни билиш, эстетик онг ҳақидаги қарашлари қуйдагилардан иборат:

Файласуф билишининг биринчи босқичи ташқи, маддий борлиқ таъсири билан ҳосил бўлувчи ҳислар, туйғулар билан боғлиқ эканлигини ёзади ва ҳидлаш (шома), кўриш (бинои), таъм туйғусимаза (зоика), эшитиш (шунидани) ва тери, сезиш ва пайпаслаш (ломисо) нинг хизматлари ҳақида бирма-бир гапиради.

Ана шу сезги аъзоларига ташқи дунёнинг таъсири натижаси инсонда сезиш, ҳис этиш бошланади, сўнгра эса тасаввур, шуур, идрок фикр (хаёл) пайдо бўлади.

Бедилнинг фикрича сезги, тасаввури ва фикрнинг манбаи инсоннинг ташқаридаги мавжуд объектидир.

Назарида, кўзгу олдида бошқа объект бўлмаса, ҳеч кимда тасаввур ҳосил бўлмайди. Демак, инсоннинг ҳис, тасаввур, ўйлаш тушунча ҳосил қилмоғи учу унинг олдида бирор бошқа объект бўлмоғи лозим. Бу бошқа нарса – объект инсон билишининг манбаи ҳисобланади.

Ҳидлаш исни, кўз рангни, танглай ва лаб таъмни, қулоқ товушни танлаб олади. Булардан бошқа нимаики хаёл-фикр кўрмоқчи бўлсанг беҳуда урунган бўласан. Чанқоқ ҳар жойда ҳам сувни, нурга муҳтож – қуёшни хоҳлайди. Бедилнинг нуқтаи назарида, ҳислар орқали объектдан



олинган сезгилар зехнида сақланиб, онг (ақл) ойнасида живаланади.

Бедил ақлни, онгни худди ойнага ўхшатади: унда ташқи ашиёлар ўз изларини қолдирадилар, ўз суратларини, образларини ясайдилар, шу туфайли миямизда фикрлар туғилади.

## ***СЕЗГИ, ТАСАВВУР ВА ТАФАККУР ҲАҚИДА***

Бедил тафаккурнинг маъноси, ашиёнинг – нарсанинг тубига-негизида этишдадир ҳамда ашё – нарсанинг ҳақиқатни суратлар шаклларида кўрсатишидадир деб ҳисоблайди.

Юқорида айтилганлардан у сезги, тасаввур, тушунча, ақл, табиатда, оламда ўз манбаларига эгадир, деб аниқ равшан сўзлайди.

Бедилнинг фикрича, инсонда уч хил куч бор.

1. Жисмоний куч.

2. Ақлий куч.

3. Рухий куч.

Жисмоний куч далили – инсоннинг ҳаракати, меҳнат қилишидир;

Ақлий қувватнинг шоҳиди – инсоннинг билим олиши;

Рухий қувватнинг белгиси – инсоннинг ёлғиз Худони танишга ва унга эътиқод қилишга уринишидадир.

Шуниси муҳимки, сезги аъзоларининг онг ва унинг фаолиятидаги роли масаласи Шарқ мутафаккирлари Ибн Сино, Кайковус, Форобий, Беруний, Умар Ҳайёмларни хан қизиқтириб келган. Шуниси ажабланарлики, уларнинг сезги аъзоларининг онг фаолиятидаги роли ҳақидаги фикрлари онг ҳақидаги ҳозирги фалсафий, психик тушунчаларга ғоят яқиндир.

Масалан; Ибн Сино “Уржуза”да сезги аъзоларига шундай таъриф беради:

*Тўққиз эрур нафсоний қувват сон-ҳисобда*

*Андин бири сезгига хос ушбу бобда  
қулоғу кьз, сўнгра бурун сезги миза  
Комил бўлур ҳислар агар тегиб сизса*

Бу ерда буюк ҳаким ташқи сезгиларга баҳо берган бўлса, ички сезгилар ҳақида шундай дейди:

*Алар ичра бордур шундай қувват  
Нарса эсда акс этади худди сурат  
Бошқа қувват бордер – андин ҳосил фикр  
Ўзгаси-ла ҳосил бўлар хотир зикр*

Демак, бу ерда Ибн Сино тафаккур, ҳис-туйғу, тасаввур, хаёл, дид каби киши онгидаги ички сезгилаени кўзда тутди.

## **ЭСТЕТИК ҚАРАШ ВА НАЗАРИЯЛАР**

Эстетик онгнинг яна бир таркибий қисми эстетик қарашлар ва назариялар бўлиб, улар эстетик онгнинг ғоявий соҳасини ташкил этади ва улар табиат, ҳаёт, санъат моҳияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ва ғоялар тизимини англатади.

Мафкура саҳасига хос бўлган барча белгилар эстетик қарашларга ҳам тааллуқлидир. Мафкуранинг барча турлари каби эстетик қарашлар ҳам дафъатан тартибга тушмаган, ўзидан-ўзи вужудга келмаган, балки жамиятнинг илғор намоёндалари амалгам ошираётган онгли фаолиятлари натижасида ишлаб чиқилгандир.

Эстетика соҳаси мутахасислари воқеликнинг эстетик томонларини, одатдаги эстетик ҳис-туйғу, дид, одамлар кайфиятларини умумлаштириб, ғоялар ва тушунчалар тизими орқали ифодалашқобилиятига эга бўлган кишилардир.

Нафосат, олижаноблик, фожиавийлик, кулгилилик санъатнинг моҳияти ва бурчи маслаларини қамраб олган эстетик қарашлар ва назариялар эстетик онгнинг барча

қисмларига таъсир ўтказди. эстетик ҳис-туйғулар, дидларайниқса, орзулар хусусияти кўп жиҳатдан эстетик қарашлар ва назарияларга боғлиқ бўлади.

Эстетик қарашлар ва назариялар у ёки бу эстетик ҳодисаларга тааллуқли ғоялар ва тушунчалар, таълимотлар кўринишида намоён бўлади. эстетик назария – бу эстетик объектни бутунлигича қамраб оладиган тамойиллар, қарашлар, тушунчалар, қоидалар, ақидалар, билимлар тизимидир. эстетик назария мантиққа, тамойил-тизимларга, далил-исботларга, фалсафий услубиятга асосланади.

## ***ЭСТЕТИК ФАОЛИЯТ***

Эстетик фаолият асосини инсоннинг муайян талаб ва эҳтиёжлари ташкил этади. Инсон фаолиятининг хусусияти ана шу талаб ва эҳтиёж табиати билан белгиланади.

Эстетик фаолиятнинг асосий хусусиятлари ҳам эстетик эҳтиёжлар билан белгиланади. Инсон фаолиятининг барча турлари ижтимоий ҳаёт жабҳаларида намоён бўлади. эстетик фаолият инсоннинг моддий ва маънавий фаолиятининг ўзаги бўлиб, унинг барча шакллари инсон куч-қудрати моҳиятининг қркин ифодаси бўлиб богани сирин эстетик мазмун касб этаверади. Шундай қилиб, эстетик фаолият инсон фаоияти бошқа шаклларининг “инсонийлик” мезонига айланади.

Эстетик фаолият илмий ижоднинг ҳам эстетик томонини ташкил қилади. Лекин, эстетик омиллар илмий ижодга таркибан хос бўлиб, унга ёрдамчи омил вазифасини ўтайди. Жуда кўп илмий тадқиқотлар ва атоқли олимлар гувоҳлик беришларича, олимнинг салоҳияти, ижодий меҳнати натижалари ва самарадорлиги унинг эстетик маданияти даражасига бевосита боғлиқ экан.

Эстетик фаолият илмий изланишларнинг ҳам босқичларида илмий муаммоларнинг қўйилиши, уларнинг

эчими, олинган илмий натижаларни баҳолаш жараёнида катта аҳамият касб этади.

Энг яхши санъат асарлари инсонларда хаёл-фаразни вужудга келтиради ва яхлитлик, нафосай ҳис-туйғусини уйғунлаштиради, тафаккур қилиш қобилиятини оширади, эркин дунёқараш бахш этади, юксак мулоқот маданиятини шакллантиради, ҳозирги фан равнақи учун жуда муҳим аҳамият касб этган барча қобилият имкониятларини сафарбар қилишга ундайди.

Эстетик онг оддий ҳис-туйғу эмас, балки муайян ахлоқий, ҳуқуқий, илмий мафкуравий қадриятларга асосланган эътиқоддир.

Демак, эстетик онгнинг моҳияти, мазмуни инсоннинг узини англаш даражаси билан боғлиқ. Эстетик онг шаклланган эътиқодлар, мақсад ва манфаатлар тизими, ўз-ўзини англаш эса шу тизимнинг шаклланиш жараёнидир.

Эстетик фаолият нисбатан бадиий фаолиятда, яъни санъатда энг соф ҳолда кўринади. Шу боис санъат эстетик фаолиятнинг ихтисослашган кўринишидир. Инсон фаолиятининг асл хусусиятларини англаш учун санъатга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ келади. Чунки, санъат ўз табиатига кўра ижодий мақсадга қаратилган, “нафосат конунларига риоя қилинган” бўлиб, ундан инсон фаолиятининг энг муҳим белгилари кўринади.

## ***АСОСИЙ ЭСТЕТИК КАТЕГОРИЯЛАР (ТУШУНЧАЛАР)***

Эстетика яъни, гўзалликшунослик фани ўзининг бой ва мураккаб категориялар тизимини ишлаб чиқди. Булар гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик, кулгилилиқдир. Категориялар ижтимоий борлиқ, инсон ҳаёти соҳаларининг ҳар бирида – ишлаб чиқариш, меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаолиятда, табиатга муносабатда, маданият, турмуш ва ҳоказоларда оламни эстетик ўзлаштиришнинг ўзига хос кўринишидир.

## ГЎЗАЛЛИК

Эстетика фанининг асосий тушунчаси – Гўзаллик зоҳирий ва ботиний маънога эга. Воқеа-ҳодиса, буюм зоҳиран гўзал, ботиний хунук бўлса, бу ерда гўзаллик тушунчаси кемтикдир. Олтин зирак ташқи жиҳатдан гўзал бўлса, унинг олтин сифатидаги ички моҳияти ҳақиқий қимматга эгадир. Бу чи маънодаги гўзалликдир.

Донишмантлар ташқи ва ички гўзаллик мутаносиблигига алоҳида эътибор берганлар, яъни унинг ботиний олами – хулқи, фэъл-атвори, меҳнацеварлиги, эзгулика интилиши, ва бошқа жиҳатлари ташқи гўзаллик хислатлари билан мувофиқ бўлса, улар мукамал гўзаллик сифатини олади.

Гўзалликка интилиш табиий эҳтиёждир. Бу эҳтиёж тарбия воситасида намоён бўлади. Гўзаллик қуршовида яшаган инсон билан хунуклик муҳитида ўсган одам ўртасида катта фарқ бор.

Гўзал, ижобий ҳис-туйғу уйғотадиган нарсани кўрсатиш анча осон. Лекин ўша нарса нима уҳсун гўзалеканлигини тушунтириб бериш қийин. Гўзалликнинг табиати ва моҳияти ҳақидаги саволга анқ жавоб бериш жараёнида жуда кўп фикр-мулоҳазаларнинг вужудга келиши – унинг мураккаблиги ва кўп қирралилигидадир.

қадимги юнон файласуфи Афлотун бу муаммони илк бор “Нима гўзал?” ва “Гўзаллик нима?” деган саволларга ажратиш билан гўзаллик тўғрисидаги фалсафий таълимотга асос слоган эди.

Афлотун таълимотида гўзаллик жонли, ҳиссиётли, ўзгарувчан нарсалар оламидан ажралиб қолган абадий рух, ғоя сифатида таърифланади.

Унинг фикрича, гўзаллик вужудга келмайди ва барбод бўлмайди, балки у вақт ва макон ташқарисида амал қилади.

Гўзаллик туйғудан юқорироқ табиатга молик бўлгани учун уни ҳис-туйғу воситасида эмас, балки ақл воситасида англаш мумкин бўлади.

Гўзаллик ҳаёт ҳақиқатидан айрича тушуниш, санъатни ҳалокатга йўлиқтиради, унинг фаол, ўзгарувчан аҳамиятини пасайтиради. Ижодкор бадий фаолияти фидоийлик қобилиятини, сафарбарлик талаб қиладиган энг мураккаб ва нозик меҳнатдир. Инсон фаолиятида камолотга, гўзалликка интилиш кўп жиҳатлардан энг мувофиқ шаклни излаб топишда кўринади. Бу шакл фаолият бурчига, вазифасига, мазмунига москелишини тақозо этади.

Шаклнинг мазмунга мос келиши санъатдаги гўзаллик мезонидир. Таниқли шоиримиз эркин Воҳидов ёзади:

*Мулки борлиқ ичрабир маҳал  
Кўрксизгина олам яралган  
Бермоқ учун оламга сайқал  
Олам аро одам яралган  
Шундан бери инсон тинмайин  
Шу ер узра тер тўкар ҳамон  
Ерни гўзал қилгани сайин  
Гўзал бўлур ўзи ҳам инсон*

Гўзаллик қуйидаги тамойилларни ўз ичига олади.

1. Мэъёр.
2. Эстетик шакл.
3. Уйғунлик.
4. Яхлитлик.
5. Мақсадга мувофиқлик.

Маълумки, улуғ ёзувчилар, шоирлар табиат манзараларини акс эттиришга жуда катта эътибор берганлар. У ўқувчининг дидини оширади, нозик ва латиф ҳиссиётини уйғотади, гўзалликка ундайди, чуқур, кенг

ўйлашга ва атрофни идрок этишга ўргатади. Юксак илҳом манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади.

Маълумки, гўзалликнинг энг қадимий ва бой манбаи табиатдир. Инсон табиатни севибгина қолмай, уни сақлайди, ўз ижодий меҳнати билан уни ўзгартиради, янада гўзаллаштиради. Яратишга, ижод қилишга интилиш инсоннинг ундан ажралмасхислатидир. Шу сабабли ҳам биз Она-табиатга зўравонлик қилувчи кимсаларга бефарқ қараб турмаймиз. Ахир, табиатга муҳаббат – ўз уйига, ўз Ватанига муҳаббат демакдир.

Инсон – табиатнинг энг гўزل маҳсули, ақл-заковат, ирода эгаси. У табиатдаги гўзалликларни оз ақл-заковати билан билиб олади, моддаларнинг қонунлари ва хоссаларини очиб, ўз ижодий меҳнати билан уларни янада такомиллаштиради.

Инсоннинг гўзаллиги жамиятга, унинг юксак ғояларига хизмат қилишида, ишга, ўз дўстларига бўлган муносабатида, айниқса яққол намоён бўлади.

Гўзал нарса бизни ҳамиша завқлантиради, ёрқин ҳис-туйьгулар уйғотади, кайфиятимизни чоғ қилади. “гўзаллик кишида ҳосил қиладиган ҳис, - деб ёзган эди Н.Г.Чернишевский, - эркин қувонч, севган кишимиз ёнимизда бўлганда қалбимизни қандай қувонч билан тўлдирса, худди шундай чексиз қувончтуйғусидан иборатдир. Биз гўзалликни севамиз, уни кўриб қувонамиз, севган кишимизни кўриб қандай хурсанд бўлсак, уни кўкиб шундай хурсанд бўламиз”.

Шундай қилиб, гўзаллик турли хил кўриниш ва шаклларда, воқеа-ҳодисаларда намоён бўлади, шу туфайли унга фақат бир хилда таъриф бериш қийин. Табиатдаги, жамиятдаги, кишининг ижодий фаолиятидаги, одамларнинг бир-бирига бўлган муносабатларидаги жамики ижобий воқеаларни, - қувонч, ҳис-туйғу пайдо қилувчи, куч-қувватберувчи, кайфиятни кўтарувчи барча омилларни биз – гўзаллик деб аташимиз мумкин.

Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Леонардо даВинчи, Шекспир, Галилей каби улуғ инсонлар фақат санъат дурдоналарини яратган буюк истъдод соҳиблари эмас, балки ўзларининг илмлар соҳасидаги камолотлари, билим ва қизиқишларининг чексизлиги, кенглиги билан ҳам этук сиймолар эди. Зўр ғайрат шижоатга эга бўлган бу кишилар ўз даврларининг энг илғор ғояларининг тарғиботчилари эдилар. Айниқса, ўзбек мумтоз адабиётининг Алишер Навоий, Машраб, Турди, Махмуд, Гулҳаний, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, Завқий каби намоёндалари ўз ижодлаида халқнинг энг гўзал фикр ва туйғуларини, унинг адолат, ақл ва лимнинг тантанаси ҳақидаги умид ва орзуларни тараннум этдилар.

### **УЛУҒВОРЛИК**

Эстетик категориялардан яна бири – улуғворликдир. эстетик улуғворлик – бу сўзсиз буюк, салмоғи бўйича улкан ҳодисадир.

Улуғворлик категорияси воқеликдаги аниқ нарсалар ва ҳодисаларни акс эттирадики, улар табиатда ва жамият ҳаётида объектив мавжуддир.

Улуғворликнинг намоён бўлиш шакллари хилма-хилдир. У беҳуд улкан шаклнинг бутун улуғворликгини эвосита ифода этиши мумкин бўлган (жўшқин океан, зилзила, жанг манзараси), осмоннинг бутун ранг-баранглигини, океан ва денгизларнинг сокин сатҳи ва бепоёнлигини, кудратли тўлқинларнинг, тоғларнинг юксаклигини, вулқонларнинг қайнаши манзарасини, қутб шуъласини кўрсатиш мумкин. Улкан архитектура иншоотлари – миср пирамидалари, Готика услубида қурилган ибодатхоналар, Ўрта Осиё ва Ҳиндистондаги тарихий ёдгорликлар улуғворликка мисол бўла олади.

Улуғворлик ҳайкалтарошликда, поетис асарларда яққол кўзга ташланади. Улуғворлик – ижтимоий ҳаётдаги буюк



воқеалар, жанг манзаралари, халқ байрамлаи, инсоннинг табиат офатлари билан курашини акс эттирувчи манзараларда намоён бўлади.

Улуғворлик – эстетик ва ахлоқий сифатлар касб этади, ҳаётда кўп қўлланиладиган эстетик тушунчадир. қадимда эстетикада “Улуғворлик” ибораси тантаналилиги ва аҳамиятлилиги билан ажралиб турадиган нутқнинг алоҳида услубини тавсифлаш учун ишлатилган. Улуғворлик муаммосига эстетик ёндошишни “Улуғворлик тўғрисида”ги рисола билан боғлайдилар ва уни ИИИ аср нотиғи Лонгин ёзган деб тахмин қиладилар.

Мазкур рисолада улуғворликнинг инсон руҳига қандай таъсир ўтказиши мумкинлиги масаласига катта эътибор берилган. Рисола муаллифи улуғворликни нутқ гўзаллиги билан боғланиб кетган одатдан ташқай фикрлар ва эҳтирослар сифатида тушуниб, у инсон ҳис-туйғуларига таъсир этувчи, уни қувонч ва ҳайратга солувчи куч, деб уқтиради.

ХВИИ аср инглиз олими э Берк эстетик қарашлаида улуғворликнинг гўзаллик сингри объекти боғлиқлиги таъкидланади. Унинг фикрича, улуғворлик туйғусининг манбаи – даҳшат ёки ҳайратомуз туйғуалар қўзғатадиган барча нарсалар, воқеа-ҳодисалардир.

Буюк улуғворликнинг инсон руҳига таъсир кучи ҳақида гапириб, уни инсонга ҳис-туйғулар таъсир ўтказиш шакллари ичида энг кучлиси бўлган қоникмаслик туйғуси билан боғлайди.

Бошқа инглиз татқиқотчиси Г. Хоум улуғворлик ва гўзаллик мйтаносиблиги масалаларида Беркка қарама-қарши мавқеда туради. Унинг фикрича, улуғворлик гўзалликдан фақат ўзинин кўлами билан фарқ қилади ва ижобий ҳис-туйғулар уйғотади.

И.Кант ижодида улуғворлик назарияси янада ривожлантирилди.

У улуғворликка эстетиканинг бошқа тушунчалари тизими доирасида қараб, гўзаллик ва улуғворлик барча ўхшашликлар ҳамда фарқлари билан бир бутун умумийликка эга эканини асослаб берди. Унинг фикрича, гўзаллик ҳам, улуғворлик ҳам кўпол, соф фойда маъносидаги манфаатдан холи бўлиб, ҳамма учун умумий аҳамиятли, мақсадга мувофиқлик ва зарурлик таъсаввурларини мужассамлаштирган-дир.

Кант улуғворлик тўғрисидага фикр-мулоҳазалар таҳлилига алоҳида эътиборни қаратади. Гўзаллик ва улуғворлик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни қиёсий таҳлилетиб, у шуни таъкидлайдики, гўзаллик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга нисбатан улуғворлик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларда умумий келишув даражаси анча юқоридир.

Кантга қарама-қарши ўлароқ Гегел улуғворликни, бошқа барча эстетик муаммолар қаторида, асосан санъат асарлари заминида мушоҳада этади. Унинг фикрича, улуғворлик санъатнинг эстетик хусусияти билан кўпроқ боғланган. Шу боис улуғворликнинг энг ёрқин ифодаси – бу диний ва илоҳий санъатдир.

Чернишевскийнинг қарашларига кўра, улуғворлик табиий ҳодисаларга ҳам хос эстетик тушунчадир. Масалан: оддий шамолдан бир неча юз марта кучли бўлган бўрон улуғвордир, пасткаш ҳисоб-китоб ва интилишлардан юз карра кучли бўлган севги улуғвордир.

Улуғворлик сифатига эга бўлган нарсалардан лаззатланиш ўша нарсаларнинг сифатига боғлиқ бўлмай, балки улардан лаззатланаётган инсоннинг тарбиясига ҳам боғлиқдир.

қаҳрамонликда улуғворликка хос эстетик ва ахлоқий сифат тўла намоён бўлади. Халқ фидоийлари, элу юрт жонкуярларининг қиёфалари бир вақтнинг ўзида ҳам улуғворликни, ҳам мардоналикни намоён қилади.

қаҳрамонлик том маънода одатдан ташқари ноёб, нодир, кам учрайдиган ҳодиса бўлиб туюлади. Лекин у

кундалик ҳаётда оддий шароитда энг содда, ҳамма амал қиладиган ахлоқий қоидалар доирасида ҳам содир бўлиши мумкинлигининг ўзи улуғвор аҳамият касб этади.

Алишер Навоий наздидаги қаҳрамонлик, мардлик, улуғворлик ҳалол меҳнатда, яхши ахлоқий ақидаларга доимий тарзда амал қилишда ўз ифодасини топади.

Улуғворлик санъатда ҳар томонлама ифодаланади, чунки у санъатнинг барча кўринишлари учун асосий мавзудир. Шубҳасиз, санъатнинг турли шаклларида улуғворлик хилма-хил тасвирланади. қаҳрамонлик дostonлари, лирик дostonлар, қаҳрамонлик фожиаси, қаҳрамонлик мусиқа асарлари, мэморчилик каби санъат асарлари улуғворлик мавзуини бадий ўзлаштириш жараёнида вужудга келгандир.

Улуғворлик категориясини қуйидаги тарихий ҳикоя билан боғлаш мумкин. Нэъматулло Иброҳимов “Ибн Баттута ва унинг ЎртаОсиёга саёҳати” китобида шундай ҳикоятни келтиради.

*...Аббосийларнинг Балхдаги ноибининг хотини масжид қурдиради. Шу вақтда Халифа улардан катта хирож – ўлпон ундириб келгани ўзининг амирини Балхга юборади. Балх шаҳри аёллари болачақалари билан ноибнинг хотини ҳузурига келишиб, ҳаддан зиёд катта хирож солинганини айтиб, арз қилишади. Шунда ноибнинг хотини бож йигувчи амирни чақириб, ўзининг қимматбаҳо жавоҳирлар қадаб тикилган кўйлагини унга бериб: “Балх аҳлиси бундай катта хирожни тўлай олмайди, мана шу кўйлакни бож ҳисобига ол-да уни Халифага олиб бориб бер, хирож ўрнига шу кўйлакни олсин”, - дийди. Амир кўйлакни олиб бориб, Халифага бўлган воқеани айтади. Халифа бу гапларни эшитиб, хижолат бўлиб: “Наҳотки бир аёлнинг ҳиммати бизнинг ҳимматимиздан аъло бўлса?” – деб кўйлакни эгасига олиб бориб беришни буюрди ва “Шаҳар аҳолисини бир йиллик хирождан озод қилдим!” – деб фармон берди. Аёл амирдан: “бу кўйлакни Халифа кўрдими?” – деб сўрайди*

*“Ҳа кўрди” – деб тасдиқлаганидан сўнг, аёл “Бегона одамнинг назари тушган кўйлакни ҳеч қачон киймайман, бу кўйлакни сотиб, пулига масжид қуришлар”, - дея фармон беради. Пулга масжидхоноқо, карвонсарой қурдирадидлар. Пулнинг учдан бири ортиб қолади. Уни аёл олмайди, масжид устунларининг бирининг тагига кўмиб қўйинглар, керак бўлганда халқ яхшиқунларига ишлагин, дейди.*

Чингизхонга бу воқеани айтишганда, у устунларнинг тагини кавлаб, бузиб ташлайди, аммо пулни тополмайди. Чингизхон – пасткашлик тимсоли, ноибнинг хотини - улуғворлик тимсоли сифатида гавдаланади.

Демак, турли эстетик ҳодисалар бир вақтнинг ўзида жамиятда мавжуд бўлади ва бу хилма-хиллик инсоннинг руҳий ҳолатига таъсир кўрсатади, ҳамда унинг маънавий, руҳий камолоти кўрсаткичи бўлиб бораверади.

## ФОЖИАВИЙЛИК

Фожиавийлик муаммоси ҳар доим фалсафий ва эстетик тафаккур эътиборини ўзига жалб қилиб келган . Фожиавийлик табиати тўғрисида жуда кўп мутафаккирлар фикр-мулоҳаза билдирганлар. Зеро, фожиавийликда воқеанинг чуқур зиддиятлари ва тўқнашувлари: ҳаёт ва ўлим, эркинлик ва зарурлик, ақл ва туйғу, қонун ва бурч, шахсий ва ижтимоий хусусиятлар намоён бўлади.

Буюк санъаткорлар яратган фожиавий асарларда гўзал оҳанглар мавжудлигини жуда кўп мисолларда кўришимиз мумкин. Масалан, М.Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди” ва “Мирзо Улуғбек” асарларида бошдан-охиргача фожиали оҳанглар сезилиб, эшитилиб туради. Бу асарларда фожиали оҳанглар устувор даражада ифодаланган. Санъатда фожиали тўқнашувлар, қиёфалар, вазиятлар чуқур бадиий таҳлил этилади.

Широқ, Тўмарес, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди образлари фожиавийлиги билан халқни ларзага

солади. Гўзаллик кўпинча фожиа орқали қарор топади. Масалан: адолацизлик қарши курашда худди шундай бўлиши мумкин, бу кураш нафақат оғир балки хавфли ҳамдир. Фожиавийлик – ижтимоий хусусиятга молик тушунча сифатида ёлғиз инсонга хос ҳис-туйғу эканлиги, фақат ижтимоий мунодсабатлари жараёнидагина намоён бўлиши билан изоҳланади.

Санъат асарларида фожиавийлик яхлит намоён бўлади. Фожиавий ҳолат инсоннинг у ёки бу хатти-ҳаракати натижасида пайдо бўлади, бу ҳаракат турли-туман ҳаётий кучлар тўқнашуви жараёнида вужудга келади, ривожланади. Фожиавийлик бошқа эстетик тошунчалардан қанчалик фарқ қилмасин, уларнинг гўзаллик ва хуниклик каби ижтимоий эстетик орзулар билан боғлиқ ҳолда, уларнинг тарихий ва нисбий табиатини инобатга олган ҳолда мушоҳада қилиш зарур бўлади.

Фожиа биринчи навбатда адолацизликка, кишини-киши эзишига қарши, умуман инсонларнинг хўрлаш ва ҳақ-ҳуқуқларидан маҳрум этишларига қарши фидокорона олижанобларча курашни ифодалайди. Масалан: Гўрўғли фожиали шароитда туғулади аммо кўп жасоратлар, қаҳрамонликлар кўрсатади.

Фожиа қаҳрамони ҳаётини севади, акс ҳолда у бу ҳаёт учун шунчалик шиддат билан кўришмаган бўлар эди. У худди шу ҳаёт йўлида жон фидо қилади ва бу ўлим бекор кетмайди, қаҳрамоннинг курашини бошқалар давом эттиради.

Аҳмад Яссавий ҳикматларида фожиавийлик қуйдагича ифодаланади:

*Нафас – шайтон асир қилди одам ўғлин,  
Шу турлайин боғлаб олди икки қўлини,  
На мушкулдир, ўнгу сўлини, билмай йўлин,  
Бо дариго, ҳасрат билан борғум мана...*

ёки

*Аё, дўстлар нодон бирла улфат бўлиб,*

*Бағрим куйиб, жондан тўйиб ўлдим мана.  
Тўғри айцам эгри йўлга бўйнин тўлғар,  
қонлар ютуб, захрига тўйдим мано,*

Бундай фожиавийлик дoston ва эртакларда ҳам кўп учрайди. Масалан: Ислом шоир Назар ўғлининг “Орзигул” достонида қорахон подшога хотини қиз туққанлиги тўғрисидаги хабарни етказишади. Подшо фарзанди қиз эканлигини эшитиб, ғазабланади ва хотинини ўлдиришга, қизини эса сахрога элтиб ташлашга фармон беради. Йиллар ўтиб, подшо сафарга чиққан чоғида бир гўзал қизни учратиб, уни ўз ҳарамига элтишни буюради. Абёнлари бу қиз подшонинг сахрога элтиб ташлаган ўз қизи эканлигини, уни бир чўпон топиб олиб, тарбиялаганини айтишади.

Фожиавийлик ҳодисалари инсонларни ана шундай машъум ҳаллардан фориғ бўлиш ва сақланишга чорлайди, улар қалбида бахт учун кураш ҳислари, эзгулик қарор топишига хизмат қилади.

Оврўпо Уйғониш даври фожиаси ўзининг энг тўлиқ бадий ифодасини Шекспир ижодида топди. Шекспир ўзининг фожиавий асарларида кучли, жасоратли, ғурурли, эркин, барқарор инсонлар қиёфасини яратиб берди.

### *КУЛГИЛИЛИК*

Эстетик категорияларнинг навбатдагиси – кулгилиликдир. Биз биламизки, санъат жуда қадим замонлардан бери фақат жиддий нарсаларнигина эмас, балки ҳаётдаги кулгилиликни ҳам тасвирлаб келади. Кишилар ҳаётидаги кулгили воқеаларни санъатнинг ҳар бир жанри – қувноқ, шўх кўшиқ, ўткир, ҳажвий ҳикоя, театр ёки кинокомедия ўзига хос усулда ифода этади.

Кулгили воқеа-ҳодисалар, кўпинча мунофиқлик, текинхўрлик, ёлғончилик, кеккайишлик, жоҳиллик, енгил

табиатлилик каби камчиликлар, нуқсонлардан кулиш билан боғлиқ бўлади.

Воқеликдаги кулгилилик ҳолатига фақат инсонгина кулги билан жавоб берадиган қобилиятига эга бўлиб, бошқа жонзодлар бундай қобилиятдан маҳрумдирлар. Кулгилилик тушунчаси талқини озининг аниқ мазмунига эга бўлиб, ҳақиқатдан ҳам кулгига хос бўлган томонларини очиб беради. Баъзилар Арасту фикр-мулоҳазаларига қўшилган ҳолда кулгининг объектив асосларига эътибор қарацалар, Т.Гоббс издошлари эса кулгининг субъектив туйғу эканлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Кулги кўпинча, шунчалик кулгили вазият туфайли содир бўлиб қолади, балки қаҳрамонларнинг ўзларини тутушлари, характерларнинг ўсиб бориши, алоҳида қобилиятига эга бўлган кишиларга тақлид қилишлари туфайли яралади. Масалан; Муқимийнинг қуйидаги шеъри бунга мисол бўлади:

*Оҳ соқол қадрини ўтиб, кўнгилда армон кўсамен,  
Ҳафтада ойинага боққанда ҳайрон кўсамен,  
Барчада бўлса соқолу, менда бир тук бўлмаса,  
Йиғлабон ушлаб аламдин гоҳ пинҳон кўсамен,  
Сен ёшим сўрма, билолмайсан, ўзим ҳам шундайин,  
Катта-катта мўйсафитларга падахол кўсамен,  
Жағларим Шйтонни даштидек гиёҳ йўқ яп-яланг,  
Енгакимдин бир оло Маҳрам намоён кўсамен,  
Бир фақирдин бир пақрни, дўстлар, тутманг дариг,  
Бир дуогўйи Муқимий мен қадрдон кўсамен.*

Сатира ҳаётдаги ярамас ҳодисаларни, ёзувлиларни фош этади. Сатирик қаҳрамон одатда манфаатпараст болади, у бошқа одамлардан ўз манфаати йўлида фойдаланишга интилар экан, бу йўлдабарча воситаларни ишга солишдан қайтмайди. У кўпинча, жиноят қилишгача бориб етади, бу йўлда ўз мансабидан фойдаланади, одамларнинг таҳқирлайди ва шундай қилишга ҳаққим бор, деб ўйлайди.

Абдулла қодирий ва Абдулла қаҳҳор ижодларида ҳам бир қатор сатира жанридаги асарларни кўриш мумкин. қодирийнинг “Оғзингга қараб гапир”, “Пўст калласи” каби асарлари, Абдулла қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш”, “Аяжонларим”, “Оғрик тишлар” комедияларида гоҳокулгили тўқнашувлар моҳияти янгиликбилан эскилик ўртасидаги курашда кўринади. Бу фикр фақат комедияга эмас, балки ҳамма драматис асарларга хосдир. Кулгили мазмун, қизиқ табиатли қаҳрамонлар, тўқнашувларнинг ўзига хос хусусиятлари турли кулги воситаларини тақозо этиб, улар ҳар хил муболағалар, хаёлий тоқималар кўринишида бўлиши ҳам мумкин.

### *ИИИ. МУСТАҚИЛЛИК МАЪНАВИЯТИ ВА ЭСТЕТИК МАДАНИЯТ*

*Маънавият – тақдирнинг  
эҳсони эмас. Маънавийт  
инсон қалбида камол топиши  
учун у қалбан ва виждонан,  
ақл ва қўл билан меҳнат  
қилиши керак.*

*Ислом Каримов*

Миллий истиқлол маънавияти ва шу руҳдаги маданият масаласи, муҳим тарбиявий муаммоларни ҳал этишда асос бўлиб хизмат қилади. Шу боисдан миллий мустақиллик маънавияти ва унинг тарбиявий асосларини ўрганишда алоҳида синчковлик, қунт, сабот, маданиятлилик ва тарбиябий онглилик талаб этилади.

Маънавият ўзи нима? Миллий маънавият қандай хусусиятларга эга? Бу саволларга аниқ жавоб бериш муҳим ва долзарб муаммодир. Маънавияти қашшоқ ёки маданияциз одамдан бирор яхши нарса кутиш алсо мумкин эмас. Чунки у яхшилик ва эзгулик ҳақида умуман



ўйламайди. У ўзи ва қариндош-уруғлари тақдирига ҳам бефарқ, лоқайд ҳолда, шунчаки яшайди.

Юксак маънавиятли ва эстетик маданиятли инсон бугунги кун ва келажак ҳақида фикр юритади, қайғуради, шунингдек, келгуси ҳаёт ва турмушининг равнақи учун ўз ҳиссасини қўшишга интилади. Зотан, мустақил мамлакатимизнинг келажаги учун маънавияти юксак, эстетик маданиятли, баркамол инсонлар зарур. Шунинг учун юртбошимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – келажак пойдевори”, - деган ҳикматли шиорни янада баландроқ кўтардики, юксак маънавият мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш учун муҳим ва зарурий тамойиллардан биридир. Маънавият ва эстетик маданият – мустақил фикрлашни шакллантиради. Бу эса инсоннинг ўзлигини англаши, халқининг маданий меросини, санъат ва бадиий бойликларини билиши, қадирлаши, бор имкониятини Ватан равнақи йўлида сарифлаши, ҳалол меҳнат қилиши, гўзал ғоя, кашфиётларни эъозлаши ва бу йўлда фидоий бўлишдан иборатдир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда маънавий ва маданий-маърифий ишларни амалга оширишга бевосита ёрдам кўрсатувчи давлат сиёсати илгари сурилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, маънавиятдан маданият ва маърифатни ажратиш алсо мумкин эмас. Улар эгизак тарбия соҳаларидир. Масалан; санъат масканлари, театрлар, кинотеатрлар, кутубхоналар, маданият саройлари, музейлар, концерт заллари ва маданий-маърифий муассасаларда олиб бориладиган ишлар инсонларнинг маданий ва эстетик қарашларининг шакллантириш билан боғлиқдир.

Маънавият – бир чинор бўлса, эстетик маданият, маърифат унинг асосий илдизлари, қон томиридир. Театрларда сахналаштирилган спектакллар, концертзалларида янграйдиган кўшиқлар, маданият уйларида уюштириладиган ва олиб бориладиган тадбирлар, чоп этилган китоблар, газета-журналлар у ёки бу шаклда

кишилар онгига маънавий-маданий таъсир кўрсатиш усуллари динсонлар мана шу маданият гулшанларига ҳеч қандай даъвақиз ёки чақирқисиз ўз ихтиёрлари билан руҳий ташналиги, табиий эҳтиёж туфайли ўз хоҳишлари билан борадилар. Жойларда эстетик маданият тақдири маҳаллий раҳбарлар фаолияти, уларнинг шахсий маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий қарашлари билан боғлиқ бўлади. Маънавий баркамоллик ва ахлоқий гўзаллик бир-бири билан чамбарчас алоқада бўлади. маънавий маданият эстетик эҳтиёж заминида ривожланади. Илм-фан тараққиёти ва санъат инсонларда қадриятлар асосида гўзал ахлоқий сифатларни тарбиялашга ёрдам берувчи асосий восита ҳисобланади.

Маънавий тикланиш, покланиш мустақил Ўзбекистон шароитидаги янги муҳим назарий ва амалий муаммоларни ҳал этишда катта аҳамиятга эга. Маънавият масалаларига оқилона, муайян шароитни ҳисобга олиб ёндашиш комил инсонни тарбиялашнинг янги йўлларини излашдир. Буюк мутафаккир Бедил айтганидек, мээмор дастлабки ғиштни тўғри қўймаса, бинонинг боши юлдузларга эца ҳам, у қийшиқ бўлиб қолаверади. Бу фикр биринчи навбатда таълим-тарбия ишларига тааллуқлидир.

Маънавият инсоннинг туғма хусусияти эмас, у фақат инсонга сос фазилат бўлиб, жамият тараққиёти жараёнида шаклланади. Шу сабабли, маънавиятлилик ва эстетик маданиятлилик инсоний камолотнинг асосий белгилари ҳисобланади.

Инаонда маънавиятни эгаллаш ва ривожлантиришга имкон берилган, ирсият қонунлари билан белгиланган туғма истъёдод ва имкониятлар ҳам бор. Туғма ирсий имкониятлар меҳнат, ҳаёт тажрибаси, жамоатчилик таъсири асосида сайқал топади, эътиқодга, руҳий моҳиятга айланади ва инсон онгида, қалбида чуқур ўрнашади. Ислом Каримов маънавиятнинг ижтимоий моҳияти устида алоҳида тўхтаб, у

“...инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади”, - деган чуқур фалсафий фикрни айтган эди.

Демак, маънавиятинсонга хос бўлган ирсий имкониятлар, қобилият куртакларининг ҳаёт тажрибаси, аждодлар мероси ва намунаси, билим, ахлоқ, одоб асосида шаклланиб боровчи шахснинг ҳаёти ва фаолиятига мақсад ва йўналиш берувчи руҳий асосдир.

Маънавият фақат инсонга хос бўлган фазилатдир. У инсонга хос бўлган ички руҳий ҳолатгина эмас, балки жамият, давлат, миллат, шахс ривожланиши ва камолотининг асосий омилидир. Шунинг учун ҳам маънавият – давлатимиз ва жамиятимизнинг қудратли таянчидир.

Маънавият мазмун жиҳатидан серқирра ва кенг кўламлидир.

Маънавиятнинг чексиз ва бепаёнлиги тарихий тараққиётнинг чексизлиги билан белгиланади. Маънавий этуклик айрим шахсларни эмас, балки барча жамият аъзоларни қамраб олгандагина катта ижтимоий аҳамият касб этади. Маънавий камолот маънавий эҳтиёжларнинг мазмуни ва даражаси билан боғлиқ. Жамият тараққиётини тезлаштирувчи асосий куч – иқтисодий, сиёсий, ижтимоийтараққиёт заруриятлари билан белгиланган, маънавият билан муштарак эҳтиёждир. эҳтиёж бўлмаган жойда ҳеч қандай тараққиёт ва юксалиш бўлмайди. эҳтиёжнинг ўзи ҳам маънавиятлилик даражаси билан белгиланади. Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: “Саҳродаги сайёҳ ҳар доим болоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар, қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди”.

Маънавият ва эстетик маданият бир-бири билан узвий боғланган ақлий, ахлоқий, илмий, амалий, мафкуравий, сифати ва фазилатларининг яҳлит тизимидир.

Маънавий камолот билан ижтимоий миллий, ахлоқий эстетик онг юксалиши ўзаро боғлиқдир.

Маънавият ривожланиши билан ўлкамизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ислоҳатлар ўртасида чуқур алоқадорлик мавжуд.

Шунингдек, халқнинг моддий турмуш даражаси ва маънавият бир-бири билан боғлиқдир. эстетик тафаккур эстетик онгнинг ақли фаолият, амалиёт борасида намоён бўлишидир, миллий манфаатларни англаш ва уларни амалга ошириш йўлларини топишга ёрдам беради. эстетик тафаккурга миллатнинг ахлоқи, психологияси, тарихий анъаналари, турмуш тарси, меҳнат фаолиятининг хусусияти ва йўналишлари бевосита таъсир этади.

Ёшларни тарбиялашда эстетик онгнинг қуйидаги жиҳатларига асосий эътибор бериш зарур. эстетик онг – эстетик дид ва фаҳим-фаросат туйғуси шаклланиши ва ривожланишининг асосидир. эстетик онглилик – ўз-ўзини идора қила билиш маданияти ҳамдир. Нафосатлилик эса олижаноблик ва бардамлик барқарор бўлган жойда миллий давлат, тил, маданият, кадриятлар, анъаналар юксалиши учун хизмат қилади.

Ҳар-бир тадбир миллатнинг ўз-ўзини англашдан бошланади. Миллат истиқболи билан боғлиқ тадбирлар заминида миллий манфаатларни англаш ётади. эстетик онг ҳар бир халқнинг тарихий ривожланиши жараёнида ўзгариб, такомиллашиб боради. эстетик онг шаклланиши ва ривожланиши миллий кадриятларни тиклаш, ўрганиш, ҳаётга кенг жорий этиш билан боғлиқдир.

### ***МАЪНАВИЯТ ВА ЭСТЕТИК МЕРОС***

Ўзбек халқи инсониятнинг маънавий камолотига кучли ижобий таъсир кўрсатган бой маданий мерос, буюк кадриятларнинг эгаси. Ота-боболардан қолган улкан моддий ва маънавий меросни бир дунё деб тасаввур эцак, бу борадаги билимларимиз ундан бир томчи, холос. Ҳозирга қадар ўтмиш аждодларимизнинг жаҳон фани ва

маданиятига кўшган ҳиссаси ўзимиздан кўра дунёдаги кўплаб мамлакатларда маълум ва машҳур эди.

1993 йил буюк мутафаккир Абдухолиқ Ғиждувонийнинг туғилганига 850 йил тўлишига бағишланган илмий анжуманда Италия давлатининг Ўзбекистондаги элчиси зўзга чиқиб: “Мен дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Ўша йирик мамлакатларда шу ўлкада яшаб, жаҳон сивилизасияси тарихида ўчмас из қолдирган бир ёки икки олимнинг номини эшитганман. Ўзбекистон тупроғида бундай буюк сиймолар шунчалик кўп яшаб ижод этганки уларнинг номини санаб чиқиш ҳам қийин. Шундай буюк алломаларни жаҳонга этказиб берган мамлакатнинг халқига ва тарихига ҳурмат билан қарамаслик алсо мумкин эмас”, - деган эди. Бу фикрларда жуда катта ҳақиқат бор. Сўнги ўн йил мобайнида тарихимиз ва маънавиймеросимизни ўрганиш борасида катта тадбирлар ўтказилди. Жумладан, Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, аз-Замахшарий, Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Аҳмад ал-Фарғоний ва бошқаларнинг таваллудига бағишланган йирик анжуманлар, тантаналар шу жумласидандир.

Буюк Амир Темур бобомиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тикланиши ҳам маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди.

Тарих ҳақиқатини тиклаш – ўзбек миллатининг обрў-эътиборини тиклаш, кадр-қимматини, ўзига ишончини тиклаш демакдир.

## *2 – МАВЗУНИ БАЁН ЭТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГА АДАБИЁТЛАР.*

1. Каримов И. А. “Ўзбекистон келажаги буюк давлат”  
Тошкент. 1992 йил

2. Каримов И. А. “Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда”  
Тошкент. 1999 йил
3. Каримов И. А. “Маънавий юксалиш йўлида”  
Тошкент. 1997 йил
4. Умаров Э. “Эстетика” Тошкент. 1995 йил
5. Умаров Э, Каримов Р, Мирсаидова М, Ойхўжаева Г  
“Эстетика асослари” Тошкент. 2006 йил
6. Фалсафа. қомусий луғат. Тошкент. 2004 йил

дий қиёфанинг ташқи (объекти) томонидир. Бадиий қиёфа ташқи дунё ёки инсон эҳтиёжларига муносибликда акс эттиради, яъни ҳаётни эстетик қадрият сифатида ифодалайди. Бадиий қиёфада ички (субъектив) томон санъаткорнинг хистуйғулари, мўлжаллари, баҳолашлари, кечинмалари, ўй-хаёллари, орзу-умидларидир. Ташқи дунё таассуротлардан санъаткор ижодкор онгида ҳосил бўлган буларнинг барчаси санъаткорнинг ички дунёсини ташкил қилиб, у яратган бадиий қиёфаларда ўз ифодасини топади. Шундай қилиб, бадиий қиёфа санъаткор ўзлаштириб олган ташқи дунё билан, унинг ички дунёси қоришмаси сифатида намоён бўлади.

Санъат ва унинг мағзини ташкил этган бадиий қиёфа бир вақтнинг ўзида ҳам жонли воқеалик аксидир, ҳам санъаткор ички дунёси ўзлигининг ифодасидир. Санъатда ҳаёт қанчалик ифодаланса, бадиий қиёфаларда санъаткор ўзлигини шунчалик тўла намоён қила олади. Юксак истеъдод соҳиблари ҳаққоний ҳаёт манзараларини яратиб, ўзгаларни ўзининг хис-туйғулари ва кечинмалари билан завқлантириб, ўзлигини намоён қила олиши мумкин.

Санъатда ижодкор кечинмалари асар тўқимаси матнига, бадиий қиёфалар мазмунига сингдирилса, фанда олимнинг хис-туйғулари, ички кечинмалари, хавас-майллари у яратган кашфиётларда акс этмайди. Мисол учун:

Мусо Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Али қушчи каби даҳо олимларнинг инсоний фазилатлари забардаст истеъдодлари жаҳон аҳамиятига молик илм-фан кашфиётларининг ўзида улар ҳар бирига хос бўлган эҳтирослар, хис-туйғулар изини кўрмаймиз, таъсирини сезмаймиз.

Илмий фаолият натижалари қайси аллома яратганидан қатъий назар, улар ўша-ўша мавҳум «қиёфасиз» шаклида намоён бўлади. Бадиий қиёфа мавқеи бутунлай бошқача. У матнда санъаткорнинг хис-туйғуларини хавас-майлларини, ҳаёт тажрибасини, дунёқарашини хусусиятларини қамраб олади. Ижодкорнинг воқеа ходисаларга бўлган муносабати, бадиий қиёфада акс этади. Масалан, Навоий, Бобур, Фурқат, Чўлпон, Ойбек, Миртемир, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва бошқалар ижодида учрайдиган манзара назми ҳам шоир қалбининг ўзига хос майлини ифодалайди.

Саҳна асарларида бадиий қиёфа актёр ижроси орқали намоён бўлади. Актёр яратган қиёфа, драматургни илҳомлантирган ҳаётий ходиса ифодаси бўлиши билан бирга, актёр ижодий меваси ҳам бўлиб ҳисобланади.

Санъатда хис-туйғу муҳим восита сифатида изоҳланади. Санъат инсониятни эзгулик томон ҳаракати учун зарур бўлган ўзаро мулоқотлари воситаси бўлиб, уларни муайян хис-туйғулар билан боғлайди. Лекин, санъат одамларнинг хис-

туйғуларини тафаккурларини мавҳум тарзда эмас, балки жонли бадий қиёфаларда акс эттириши мумкин. аслида инсон хис туйғуларисиз, ҳаёт моҳиятига хусусан, санъат туб мазмунига шу вақтга қадар етиб бўлмаган ва бундан кейин ҳам етиб бўлмайди.

Санъатда ҳис-туйғулар фандагига нисбатан ўзгача сифатга эга бўлади. Фан-техникада илмий-изланишларни йўналтириб туришни хис-туйғулар катта аҳамиятга эга бўлсада, тадқиқот натижалари бевосита кўзга ташланмайди.

Санъат эса ўзига хос хис-туйғулар, кечинмалар хазинасидир.

Санъат воқеликни образли акс эттиришда турли шакл ва воситалардан фойдаланади.

## **ТАСВИРИЙ САНЪАТ**

Тасвирий санъат тизимига мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, чизиқли расм (графика) мансуб бўлиб, уларнинг вужудга келиши инсоният тарихининг энг қадимги даврларига бориб тақалади. Қадимги дунё мусаввирлари ўзларининг манфаат ва эҳтиёжларинига мос тимсолларни яратганлар. қояларда тасвирланган жониворлар воқелик ҳодисалар, ҳаёт манзаралари ўрнини босади. Дастлабки тасвирлардаёқ эстетик зарралар мавжуд бўлса ҳам, улар фойдали-амалий мақсадларга бўйсундирилган тарзда ифодаланган эди. Тасвирий санъат фойдали амалий мақсадлар ҳукмронлигидан тобора «ҳалос»лашиб, бадий фаолиятнинг ихтисослаштирилган шаклига айланиб боради.

Санъат инсон фаолиятининг эстетик бўлмаган соҳалари билан чамбарчас боғлиқлиги қадимги дунё, ўрта асрлар, уйғониш даври давомида сезилиб туради. Тасвирий санъат ўзининг эстетик ҳислатларига ва эстетик мақомига эга бўлиб борагани сари унинг айрим тури ва жанрлари ажралиб чиқа бошлади. Унинг мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, чизиқли расм каби турлари ва жанрлари ривожлана борди. Тасвирий



санъатнинг барча турлари бир-бири билан боғлиқлик баъзан ошкора, очик тарзда амал қилади.

Очик тарзда ўрта аср меъморчилик мажмуаларида бадиий қоришма доирасида намоён бўлди. Уларнинг яшириш тарзда боғлиқлиги тасвирий санъатда илк бор қарор топган бадиий ғоялар, ақидалар, ечимлар меъморчилик изланишларига таъсир ўтказишда намоён бўлади ёки майин эгилувчан ечимлар мусаввирлик ривожига таъсир ўтказади.

Тасвирий санъат турлари: мусаввирлик, чизиқли расм, ҳайкалтарошлик, бадиий суръатга олиш ва ҳокозолар.

Тасвирий санъат турларининг бир-биридан фарқ қилиши – уларнинг ҳар бири воқелик манзарасини ўзига хос акс эттириш билан белгиланади.

Уларнинг умумий хусусияти – тасвир орқали ифода этишидир.

### **ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ**

Безакли амалий санъат амалий мақсадларга мўлжалланган бўлади. Уларнинг бадиий қиймати фойдали – амалий қийматидан келиб чиқади. Бу санъат тури инсон фаолиятининг бадиий бўлмаган соҳалари оралиғидан жой олади.

Безакли амалий санъат инсон бадиий фаолиятининг илк кўринишлари бўлиб, унинг ибтидоси меҳнат жараёнлари билан чирмашиб кетган эди. У санъатнинг бошқа турларидан фарқли равишда тарихий тараққиётнинг кейинги даврларида ҳам бадиий ва фойдали – амалий фаолиятнинг қоришмаси сифатида қадимги маданият муҳим белгиларини ўзида сақлаб қолди.

Безакли амалий санъат асосан маиший турмуш эҳтиёжларига хизмат қиладиган нарса буюмлар яратади. Гўзаллик қонунларига кўра, яратилган нарса-буюм, яъни шакл ва мазмунга мос нарса, яъни буюм яратишнинг ўзи санъат асари бўла олмайди. Нарса-буюмнинг амалий ва эстетик хислатларига ғоявий-бадиий амалий ва эстетик ифодалилик қўшилгандагина у санъат асари бўла олади.

Безакли амалий санъат асари даражасида ишланган нарса – буюм, яъни санъат асари ҳамма вақт муайян ғоявий-бадиий мазмунга эга бўлади.

Безакли амалий санъат турлари кўп қиррали бўлиб, улар фойдали амалий жиҳатларига, нимага мўлжалланганлиги белгиларига қараб бир неча кўринишга эга бўлади:

Масалан: Амалий-фойдали томон (уй-жихозлари, идиш-товоқ, кийим-кечак ва бошқалар), моддий ашёси (тош, суяк, ойна, металл, сопол ва х.з.), ишлов бериш усули (ўймакорлик, кашта тикиш, бўртма матолар) ва бошқалардан иборат.

Безак нақш билан чамбарчас боғлиқ.

Нақш – моддий ашёлар билан, яъни нарса-буюм билан мустаҳкам ва бевосита боғлиқ эмас. битта нақш хилма-хил нарса-буюмларни безаб туради. Нақш нарса-буюмларнинг безакли бўлишига хизмат қилиш билан бирга ўзи ҳам мустақил амал қилади. Нақш қувонч ва қайғу, осойишталик ва безовталиқ каби умумий туйғу ва кайфият холатларни ифодалайди.

Техника эстетикаси (дизайн)нинг вужудга келиши техника лойиҳаларининг миайиш нарса-буюмлар соҳасига ҳам татбиқ этилиши натижасида техника ва безакли амалий санъат бирлиги шаклланади.

## **МЕЪМОРЧИЛИК**

Санъат турларидан бири меъморчилик бўлиб, меъморчилик асарлари воқеликни бевосита тасвир этмайди, балки муайян тарихий даврга хос, умумий ва ижтимоий аҳамиятга молик инсон кечинмаларини акс эттиради. Донишмандлар меъморчиликка «қотишма» мусиқа ёки тошдаги дoston деганлар, меъморчилик ўзининг ҳажмлари ва чизиқлари «тили» билан давр ва инсон ҳақида бошқа санъат турларидан кўра кўпроқ ҳикоя қилгандай бўлади. Мусиқада қиёфа эшитиш орқали идрок этиш мўлжалланган бўлса, меъморчилик кўришга мўлжалланган. Бугунги кунда Самарқанддаги Регистон, Бибихоним, Шохи-Зинда ва Гўри Амир меъморчилик обидалари ўзининг ажойиб ҳамоҳанглиги билан дунёни лол қолдириб келмоқда.

Меъморчилик воқеликни юксак бадий даражада акс эттиради, ўз мажмуи билан ўз даврининг қиёфасини яратади.

**МУСИҚА** – санъатнинг ифодали тури тизимига киради. Муסיқа ҳам воқеа-ҳодисаларни ифодали акс эттиради. Муסיқа воқеликдаги инсон ички маънавий дунёсини, унинг туйғусини ва кайфиятини ифодалайди. Муסיқа тасвирий санъатдаги ёки ҳайкалтарошликдаги каби тасаввурлар эмас, балки туйғулар ва кайфиятлар ҳосил қилади. Муסיқа воқеликни ҳис-туйғули қиёфасини яратади. Муסיқа энг мураккаб туйғулар, энг нозик кечинмалар ва кайфиятлар ҳолатларини ҳам ифода этади. Муסיқа инсон кайфиятини ифодалайди. Муסיқа куч-қудрати шундаки, у шодланиш, қайғуриш, ҳаёл суриш, бирдамлик, тушкунлик ва шунга ўхшаш инсон руҳий ҳолатларини намойиш қилади.

Ўзбек миллий муסיқасининг дурдонаси бўладиган «Шошмақом» асарида халқнинг мураккаб тарихи кечинмалари, завқ-шавқи, қайғу-хасратлари, орзу-умидлари шу қадар теран, чуқур, нафис, жозибали, эхтиросли ифода топганки, гўё ширин ҳаёллар дунёси бағрига кириб кетасан киши.

Муסיқа ашула ва рақс таркибида ҳам вужудга келади ва кейинчалик бадий ижоднинг мустақил турига айланади. Муסיқа санъатнинг рақс, кўшиқ турлари билан қўшилиб, уларга етакчилик қилса, сахна, кино, «ойнаи жаҳон» асарлари ёрдамчи вазифасини ўтайди.

Муסיқа инсон фаолиятининг энг муҳим соҳалари билан алоқага киришади. Меҳнат жараёнлари ва маросимларида қатнашади. У инсонларни бирор-бир мақсадга, ниятга ундайди, у инсонни тарбиялаш воситаси бўлиб, кишиларда юксак дид, фикр-туйғулар, орзулар ҳосил қилади, унинг қобилиятини оширади.

Рақс санъати - қадим замонларда вужудга келган бўлиб, даставвал у маиший турмуш билан боғлиқ ов, жанг, эътиқод тимсоллари эди. Рақс одамларни бирлаштиради, бир мақсад йўлида уюштиради. Рақсда нозик ва ифодали ҳаракатлар

орқали инсон ички дунёсини, унинг энг нозик ва чуқур кечинмалрини акс эттиради.

Ҳозирги замон рақси кўринишлари: халқ ва базм рақслари, сахна рақслари, акробатик, ваззли, имо-ишорали рақслар ва бошқалар.

### **ҚОРИШМА САНЪАТ ТУРЛАРИ:**

Қоришма санъат турларига театр, эстрада, цирк, кино, «ойнаи жаҳон» ва ҳоказо.

Театр сўзи юнонча «тетрон», оммавий томошалар бўладиган жойни «тетрон» деб атаганлар. Тадқиқотчилар энг қадимги театрни Осиёда-Ҳинд театри, Оврупада-юнон театри деб тушунтирганлар. Бу театрларда ижрочи ва томошабин ўртасида чегара бўлган: ижрочи «ниқобли ўйинни» бажарган томошанбин уни кўриб баҳра олган. Мана шу эстетик лаззатланиш ҳиндларда «роса», юнонларда «катарис» деб аталган. Мазкур бадиий матн драматургия деб аталади (юнонча драма-ҳаракат).

Театрнинг ўзига хос «тили» ҳаракатдир. Театр санъати энг аввало – сахна ҳаракати санъатидир.

Сахна ҳаракати асосини драматик ҳаракат, драматик ҳаракат-«ички ҳаракат» дан ташкил топади. «Ички ҳаракат» инсоннинг руҳий жараёнларини қамраб олади ва унинг воқелик билан хилма-хил муносабатлари табиатини очиб беришга хизмат қилади. Театр драматик ҳаракатни, сахна ҳаракатига айлантиради.

И.А.Каримов театр санъатининг юксак гўзалликни шакллантирувчи қудратли тарбия воситаси эканлиги тўғрисида, 2001 йил 30 август Ўзбекистон Республикасининг 10 йиллик юбилейи олдида Тошкентда очилган академик театрнинг очилиш маросимида сўзланган нутқида.

«... сахна санъатининг одамларга нафақат завқ-шавқ бахш этиш, айна вақтда миллий ғурур, миллий ифтихор манбаи, қудратли тарбия воситаси ҳам бўла олиши – бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Театрнинг маданий ҳаётимиздаги улкан вазифаси тўғрисида, унинг ўрнини бошқа ҳеч нарса боса

олмаслиги ҳақида умуман, театрни улуғлаш, унинг таъсир кучи ҳақида кўп гапириш мумкин».

Президентимиз И.А.Каримов театрнинг энг асосий вазифаси, инсоннинг қалбига, онгу-тафаккурига таъсир ўтказиб, уни эзгу фазилатлар сари чорлаш учун театр жамоасига яхши-шарт-шароит яратиб бериш зарурлиги ҳақида гапирди. Янги гўзаллик кошонаси эса мана шу соҳада муҳим қадам бўлганлигини таъкидлаб, театр жамоаси олдидаги ва барча актёр, режессёр ва санъат аҳли олдида янада масъулият билан ишлаш лозимлигини айтиб ўтди. Президент ва миллий руҳ ва замонавий қиёфада қайта тикланган ушбу театримизни бундай буён Ўзбекистон Миллий драма театри деб аташни таклиф қилди. Санъат турларининг қизиқчилик, дорбозлик ва цирк томошаси ҳам энг қадимги санъат турларидан бўлиб фаол ижтимоий тарбиявий вазифасини бажаради.

Цирк артисти турли хавф-ҳатарни англаб ўтиш орқали ўз маҳоратини намоиш қилади. Цирк санъатида ғаройиб мосламаларда хунар кўрсатиш ва қизиқчилик, масхарабозлик, акробатика, жониворларни ўргатиш ва бошқалар бирлашиб кетган. Цирк санъати мана шу кабилар хилма-хил санъат кўринишларини жамлаб намоён қилади. шу боис цирк турли ёшдаги ва турли дид фаросатли одамларнинг севимли томошасидир.

Кино санъати-бу фақат илмий-техник тараққиёти меваси бўлиб қолмай, балки фан-техника намоён бўлишининг шаклларида биридир. Кино санъатининг техник асосини суратга тушириш (фотография) ва кинокамера ташкил этади. Улар ҳаётнинг хилма-хил кўринишларини бадиий ўзлаштириш орқали эстетик вазифани адо этади. Кино жамоавий ижод маҳсули бўлиб, унда сценарий муаллифи, режессёр, оператор, мусаввир, бастакор, «кадр бирикмаси» яратувчи (монтажчи) ва бошқалар меҳнати ишлаб чиқариш жамоаси меҳнати билан қўшилгандагина киноматография маҳсули яралади. Ҳозирги замон киноматографияси нафақат санъат балки, кўп соҳали

замонавий тахника билан жиҳозланган ишлаб чиқариш соҳаси ҳамдир.

«Ойнаи-жаҳон» ўзининг ижтимоий аҳамияти жиҳатидан кенгрок миқёсдаги санъат бўлиб, у сиёсий-илмий-техник, эстетик ва бошқа ахборотни тезкор етказиб беришнинг энг муҳим воситалари ҳисобланади. Ойнаи жаҳон кишилар бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг турмуш тарзига таъсир этиш имкониятига эгадир.

Телевидениенинг илк бадий вазифаси санъат турлари, хиллари, кўринишларини самарали намойиш қилишдан иборат.

Телевидение эстетик фаолиятнинг алоҳида соҳаси сифатида қарор топди. Телевидение санъат туридир дейиш қийин, чунки у жуда мураккаб қоришиқ соҳасини, уни воқеликни бадий идрок этишнинг махсус соҳаси ёки эстетик фаолиятнинг махсус тури деб атаган маъқулдир.

Телевидение моддий ва маънавий маданият таркибида ўзига муносиб ўрин эгаллашга қадар бўлган эстетик фаолият тури сифатида намоён бўлаётир. Санъат турлари ва кўринишларнинг деярли ҳаммаси «телевидение» бағрига сингиб, эстетик таъсир этишнинг самарали воситасига айланмоқда.

Таълим-тарбиянинг бошқа шакллари каби эстетик тарбия ҳам ўз диққат эътиборини якка одамга ва ижтимоий гуруҳга қаратади. Эстетик тарбия ҳам умуминсоний ва миллий қадриятларни қарор топтиришга хизмат қилади.

Маълумки тарбия инсон онгига, хис-туйғуларига, тасавурларига, эътиқодига, дунёқарашига, ҳатти-харакатларига, хулқ-атвориға таъсир ўтказишни ўз олдига мақсад, вазифа қилиб қўяди.

Эстетик тарбиянинг ҳам ана шу умумий мақсад ва вазифаларининг таркибий қисми сифатида амал қилиб, тарихий-ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик ҳодисани англатади.

Қадимги дунёда умуман тарбия мақсади эстетик асосида намоён бўлган.

Масалан: қадимги юнонлар эстетик тарбия мақсади фуқароларнинг ҳар томонлама ривожланишига «руҳ» ва «бадан» ҳамоҳанглиини қарор топтиришга йўналтирилган эди. Афлотун ва Арасту каби буюк мутафаккирлар таълимотида эстетик тарбия тизимининг бир-биридан фарқли томонлари бўлгани ҳолда умумийлик мавжуд бўлиб, у ягона эстетик орзуни қарор топтиришга ягона ахлоқий хулқ-атвори фуқаролик хислату-фазилатларини шаллантиришга хизмат қилган эди.

Ўрта асрлар Шарқ ва Оврупада эса тарбияни Аллоҳга эътиқод қилиш билан боғлаб олиб борганлар.

Муайян жамиятда ижтимоий қарама-қаршиликлар заифлашиб, ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат қарор топиб боргани сари одамларнинг эстетик тарбия олишлари учун зарур бўлган муайян ижтимоий-сиёсий ва маънавий ахлоқий шарт-шароитлар вужудга келади. Моддий-иқтисодий ва умуммаънавий имкониятлар кенгайиб, қашшоқлик ва саводсизлик батомом тугатилсагина, жамият ҳаётида эстетик тарбия муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Инсонда гўзалликни тушуниш бирдагина содир бўлмади. Балки, у жамият ва одамлар таъсирида шаклланиб боради. Шунга кўра, инсоният бадий диди ривожланиши қонуниятлари иқтисодий тараққиётимизнинг ривожланиш қонунлари билан боғланган. Бадиият қонунлари эса ижтимоий-эстетик идеаллар орқали намоён бўлади.

Фуқароларни айниқса ёшларни эстетик руҳда тарбиялаш давримизнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Жамиятимиз ривождаги иқтисодий тараққиётнинг характери, сиёсатимиз ва миллий мафкурамизнинг йўналишлари фуқароларимиз айниқса ёшларимизни юксак эстетик дидли эстетик маданият ва эстетик ахлоққа эга бўлган ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб етишишларини талаб қилади. Демак, эстетик тарбия жуда ҳам серқирра бўлиб, у ёшларни гўзаллик руҳида, гўзал хулқли, гўзал ҳиссиётли қилиб, гўзал характерли, маънавияти юксак инсон қилиб тарбиялашни ўз олдида мақсад

қилиб қўяди. Бу эса педагог тарбиячининг зиммасига қуйидаги масъулиятларни юклайди:

Эстетик тарбияни амалга оширувчилардан етарли эстетик билимлар билан бир қаторда, сезгирлик, кузатувчанлик, эмоционаллик, каби психик аломатлари тараққий этган ва олийжаноблик ва юксак пок қалб ва туйғуларга эга бўлиши талаб этилади.

Чунки эстетик тарбия ахлоқий ва ақлий тарбияни амалга оширишга нисбатан хийла қийинроқ. Буни эстетик тарбия инсон руҳи, кайфияти, сезгилари, туйғулари билан бевосита боғлиқлиги орқали ҳамда одамнинг бутун маънавий оламини тўла қамраб олиш билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида қарор топиши жараёнида фуқаролар тафаккурини янгилиш ва тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолди. Мазкур вазифа фуқароларни ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий жиҳатлардан ҳар томонлама камол топтириш учун таълим-тарбиянинг барча соҳаларини, уларнинг омиллари ва воситаларини ишга солишни тақозо этади.

Эстетик тарбия воситалари деб, шахснинг воқеаликка эстетик муносабатини ривожлантиришга хизмат қиладиган тарбиявий фаолият шаклларига айтамыз, эстетик тарбия омиллари ва воситалари ўртасида чегара нисбий ва шартлидир. Муайян шароитларда тарбия омиллари эстетик тарбия воситалари вазифасини ўташи ва аксинча бўлиши ҳам мумкин.

Меҳнат такомиллашгани сари, айниқса жисмоний меҳнат турлари техникалашиб боргани сари уларнинг кўнгилли ва ижодий табиати ортиб боради. Шу тариқа меҳнат эстетик тарбиянинг энг муҳим омили бўлиб қолади. Шахс ҳаётига меҳнатнинг эстетик таъсирини кучайтиришда ишлаб – чиқариш жараёнларига кўпроқ эстетик техникасини (дизайн) кенг равишда жорий қилиш керак. Меҳнат шароитлар ва воситаларига эстетик мазмун бахш этиш омили шахсни эстетик камол топтириш билан бирга шахснинг фойдали - амалий вазифаларини ҳам кенгроқ доирада бажаришга сафарбар



қилади. Натижада эстетик мазмун меҳнат унумдорлигини самарадорлиги ва сифатини оширишнинг-муҳим омилига айланади.

Эстетик маданият Ўзбекистан истиқлоли учун ўта зарур бўлган замонавий техника ва технологиялар, муҳандислик ва саноат менежменти тафаккурини шакллантиришни тақозо этади. Эстетик тарбиянинг энг муҳим омили сифатида мулкчилик, тақсимот, истеъмол каби ижтимоий муносабатлар сиёсий, ахлоқий муносабатлар билан мутаносиб тарзда амал қилиш муқаррардир.

Эстетик тарбиянинг энг муҳим омили бу табиатдир. Табиат билан доимий равишда муносабатда бўлмай туриб, эстетик жиҳатлари ривожланиш, эстетик тарбияни уюштириш мумкин эмас. Шахс онгида табиатнинг эстетик қадриятлари туйғусини шакллантириш инсон эстетик камолотининг ўзига хос «пойдевори» дир. Ҳозирги экологик инқироз ва ҳалокат хавфи ортиб бораётган бир шароитда эстетик тарбиянинг бу қирраси кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Эстетик тарбия ва экологик тарбия ўртасидаги алоқа янада кучайиб бормоқда. Бу эса экологик тарбия эстетик тарбиянинг муҳим воситаларидан бири эканлигини намоён этади.

Эстетик тарбининг омиллари қаторида маиший турмуш нарсалари, турар жой жиҳозлари, хоналар ва бинолар жойлашуви уларнинг ранглари бўёқлари ва бошқа нарсалар муҳити алоҳида ўрин тутди. Шаҳар қурилишининг, меъморчилик мажмуалрининг, турар жой даҳаларининг, жисмоний тарбия иншоотларининг, дам олиш ва истирохат боғларининг бир-бирига монандлиги, хамоханглиги, гўзаллиги, мослиги, юксак дид-фаросат наъмунаси эканлиги ва ниҳоят, фойдали-амалий томонларининг мавжудлиги ҳам эстетик тарбияда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Гўзаллик тарбиясига доир билим ва кўникмалар асосан дарс жараёнида ўқиш, мусиқа, она тили, табиат, тасвирий санъат ҳар-хил, география ва жисмоний тарбия каби дарсларда

берилади. Дарс жараёнида гўзаллик тарбияси ифодали ўқиш, техника воситаларидан фойдаланиш, дид билан чизилган расмлар ва сахна ўйинлар орқали, ўтказиладиган тадбирларда ва маънавий соатларида сингдирилиб, уларда кўникмалар ҳосил қилиб, ҳамда ўқувчиларда гўзаллик тўғрисида етарлича назарий билим шакллантирилиб борилади. Гўзаллик тарбиясида энг муҳим воситаларидан бири бу – Санъатдир. Санъатнинг барча тур ва жанрлари ўзига хос таъсир кучига эга. Ёш ўса борган сайин, болада санъатнинг у ёки бу турига қизиқиш алмашиб боради. Санъат воқеликка эстетик муносабатларнинг энг муҳим шакли бўлиб, у инсоннинг ҳар томонлама қобилиятини ривожлантирса, фан эса инсоннинг касбкорлик фаолиятларини ривожлантиришга хизмат қилади. Санъат дунёни яхлит инъикос этишга ўргатади.

Эстетик тарбиянинг энг муҳим воситаси сифатида санъат нафақат бадиий қадриятларни идрок қилиш, балки уларни яратишга жамият аъзоларининг, айниқса, ёш авлоднинг фаол иштирок этиши уларда эстетик фаросат ва талаб-эҳтиёжларнинг ривожланишига, ижодкорлик қобилиятларини рағбатлантиришга олиб келади.

Эстетик тарбия воситалари тизимда эстетик билимлар асослари ҳисобланган эстетик назария ҳам катта аҳамият касб этади. Эстетик назария – эстетик туйғу, эстетик дид, эстетик орзу каби эстетик онг қисмларига таъсир ўтказади. Эстетик туйғу, эстетик дид, эстетик орзу эстетик назариянинг таъсириданқувват олади. Шахс эстетик қарашлари унинг эътиқодига айлана боради. Билим доирасини кенгайтиради. Бундан ташқари бадиий назарий билимлар, санъатшунослик билимлари ҳам муҳим врситаларга киради. Санъатга интилиб яшаш, бадиий ижод маҳсулларини идрок этиш, завқ олиш кўп жиҳатдан инсоннинг савиясига боғлиқ. Санъатшунослик билимлари санъат аниқ турларининг хусусиятлари ва махсус қонуниятлари моҳиятини очиб беришга, бадиий ижоднинг айрим соҳалари тарихи билан танишишга, санъатнинг энг

муҳим йўналишлари ва оқимлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Эстетик тарбиянинг муҳим воситаларидан бири бу адабиётдир. Бу адабий-бадиий танқидда кўпроқ ўз ифодасини топади.

Адабий –бадиий танқид бир вақтнинг ўзида фанга ҳам, санъатга ҳам хизмат қилади. Адабий –бадиий танқиднинг оралиқ «чегаравий» ҳолати уни шахс эстетик камолотини беқиёс воситаситга айлантиради. У бадиий идрок маданиятини шакллантиришга, санъат асарларини ишончли тўғрисида баҳолаш қобилиятини ривожлантиришга, уларнинг ҳис-туйғули ва назарий томонларини кўшиб инъикос этишга хизмат қилади. Адабий бадиий танқид мавҳум назарийчиликка ҳам, яққадид зўровонлигига ҳам йўл қаймай, санъат жонли нафасига ва илмий назарий асосларига таяниб иш кўришга ўргатади.

Гўзаллик тарбияси воситаларидан энг муҳими мусобақадир. Бола ҳали ўқиш, ёзишни, ўқишни билмаган пайтида ҳам мусиқанинг сеҳрли тўлқинини қабул қилиши, улардан озиқланиши мумкин. Мусиқанинг илк таъсири она алласи билан боғлиқ. Она алласи майин, жозибали, ширадор, таъсирчан бўлгани учун ҳам бола ундан ором олиб уйқуга кетади. Мусиқа боланинг эшитиш қобилиятини яхшилайдди. Шунинг учун ҳам бола ундан ором олиб уйқуга кетади. Мусиқа боланинг руҳиятига юмшоқлик, феъл-атворида мулойимлик бағишлайди. Ҳақиқий мусиқа асарлари таъсирида улғайган бола ўртоқлари орасида ажралиб туради.

Табиат ходисалари ҳам гўзаллик тарбиясининг муҳим омиллари, бундан ташқари жисмоний тарбия, меҳнат, турли ўйинлар, диний ва миллий урф-одатлар, турли тўғараклар ҳам болалар ҳаётини гўзаллик қоидалари асосида ташкил этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шунингдек оила ва бошқа болалар муассасалари, телевидение, компьютер ва бошқа техник воситалар ҳам киради.

Эстетик тарбия барча ёшдаги кишиларга баб-баравар зарур. Аммо бутун тарбия системасида эстетик тарбияни сингдиришни инсоннинг болалик давридан бошлаш ниҳоятда

муҳим, бу давр инсон ҳаётида характер, ироданинг, дид, гўзаллик туйғуси ва ҳаётӣ тушунчаларининг пайдо бўлиши ва шаклланиши давридир.

Болаликда ақл-фаросат, ахлоқий кўникмаларини тарбиялаш билан бир қаторда уларда чиройли, нафис, гўзал нарсалардан завқ олишни, гўзалликни дағалликдан, қўполликдан ажрата олиши қобилиятини тарбиялаш лозим.

Гўзалликни хунукликдан ажрата билиш, гўзалликни севиш, унга интилиш қобилияти соддаликдан мураккабликка қараб ўсиб боради.

Бола 4-5 ёшидаёқ кийинишда гўзаллика- ихчамликка, нафисликка, чиройлиликка эътибор бера бошлайди, 9-10 ёшларда эса юриш туришдаги хатти-харакатдаги гўзалликнинг фаҳмига етадиган бўлади. 14-15 ёшларда меҳнатдаги, ижтимоӣ ҳаётдаги гўзалликни ҳам англаш қобилиятига эга бўлади. Лекин бу 5 ёшли болаларга ижтимоӣ ҳаётдаги гўзалликни тушунтиришнинг ҳожати йўқ дегани эмас. Ёш болаларга ҳам меҳнат ҳақида, ҳаёт ҳақида, яшаш ҳақида бирор киши мисолида сўзлаб бериш мумкин. Бу эса ниҳоятда содда, ихчам, тушунарли тарзда берилиши керак. Болаларда гўзаллик туйғусини шакллантиришда албатта ёш даражасини ва маънавий ривожланиш, онгининг ривожланиш даражасини эътиборга олиш лозим ва тарбиячилар томонидан аста-секинлик билан таъсир этиб бориш керак. Бу таъсирлар меъёрига етганда сифат ўзгаришларига олиб келади. Яъни болада эстетик дид шаклланади.

Болада эстетик дидни шакллантиришда муҳитнинг ҳам роли катта. Биз эстетик муҳит деганда, болага эстетик таъсир қилувчи нарсалар, воқеалар, ҳодисаларни тушунамиз. Бунда оила, мактаб, мактабгча тарбия муассасалари аосий рол ўйнайди. Оиладаги эстетик муҳит мактабда, боғчада ҳам муҳайё бўлиши керак.

Ҳамма вақт эстетик тарбиянинг асосида эркин фикрлаш, эшитиш, кўриш, ҳаракат қилиш, қобилиятларини тарбиялаш воситаси туради.

Бола воқеликдаги, санъатдаги, инсондаги гўзалликни кўра олишга, гўзаллик ва ҳунуклик ҳақида эркин фикрлай олишга, ўз фикрини аниқ сўзлай олишга, фаолият кўрсата олишга қобил бўлса, демак унда эстетик дид, эстетик туйғу, эстетик идрок камол топган бўлади.

Эстетик тарбия умумий тарбиявий фаолиятнинг мақсад, усул, воситалари тизимидан, шахс эстетик маданияти шаклланишининг ташқи ва ички омиллари, хусусиятларидан келиб чиқсагина, самарага эришиш мумкин. Эстетик тарбия тизими оила ва мактаб, ишлаб чиқариш жамоалари, мафкура муассасалари, оммавий-ахборот воситалари, маданий муассасалар, ижтимоий-сиёсий ва оммавий ташкилотлар каби бўғинларда яхлит ҳолда амал қилгандагина кутилган натижа беради.

Эстетик тарбия ижтимоий фаол, ҳар томонлама ривожланган комил инсонни тарбиялашга йўналтирилган. Ўзбекистон мустақил давлати фуқароларининг эстетик онгини шакллантириш, эстетик тарбия олдидаги долзарб вазифа бўлиб, жамият бадиий маданиятини янада юксалтиришга, эстетик талаб ва эҳтиёжлар ва қадриятларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Таянч иборалар:

1. Эстетик тарбия омили – бу шахснинг эстетик камолотига таъсир этувчи ички ва ташқи шарт-шароитлар.
2. Тарбия воситалари – шахснинг воқеаликка эстетик муносабатини ривожлантирувчи тарбиявий фаолият.
3. Дизайн – саноат эстетиксига оид расм ёки безак
4. Эстетик муҳит – шахсга таъсир қилувчи оиладаги шарт-шароит, воқеа-ҳодисалар, мактаб, боғча, бошқа тарбия муассасалари, иш жойи ва дам олиш жойлари, яшаш жойларидаги, жамоат жойларидаги шарт-шароитлар.



## АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов, «Буюк келажак сари», - Т., «Ўзбекистон», 1998 й.
2. И.А.Каримов, «Истиқлол ва маънавият», - Т., «Ўзбекистон», 1994 й.
3. И.А.Каримов, «Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз», - Т., «Ўзбекистон», 1995 й.
4. И.А.Каримов, «Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», - Т., «Ўзбекистон», 1996 й.
5. И.А.Каримов, «Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин», - Т., «Ўзбекистон», 1998 й.
6. И.А.Каримов, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», - Т., «Ўзбекистон», 1998 й.
7. И.А.Каримов, «Баркамол авлод орзуси», - Т., «Шарқ», 1999 й.
8. И.А.Каримов, «Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда», - Т., «Ўзбекистон», 1999 й.
9. И.А.Каримов, «Ўзбекистон миллий академик театрининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи», - «Ишонч газетаси», 30.08.2000 й.
10. М.Абдуллаев, М.Хусаинов, «Маънавият», - Фарғона, 1999 й.
11. М.Имомназаров, «Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари», - Т., «Шарқ», 1996 й.
12. А.Хусаинов, «Ўтмиш маданияти – тараққиёт асоси», Наманган, 2000 й.
13. Э.Умаров, «Эстетика», - Т., «Ўзбекистон», 1995 й.

14. Э.Юсупов тахрири остида «Фалсафа», - Т., «Шарқ», 1999 й.
15. Р.Мавланова, «Педагогика», - Т., 2001 й.
16. А.Алимухаммедов «Антик адабиёт тарихи», - Т., «Ўқитувчи», 1999 й.
17. Ўзбекистон тарихи ва маданияти, 1992 й.
18. Н.Абдуллаев, «Санъат тарихи», - Т., «Ўқитувчи», 1986 й.
19. Н.Жўраев, Ўзбекистон тарихи, 11-синф ўқув дарслиги, - Т., «Шарқ», 1998 й.
20. Адабиёт ва санъат, - 1998 й.
21. В.М.Каримова, Мустақил фикрлаш, - Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
22. Л.А.Исломова «Ўзбекистон халқларининг эстетик мероси хақида», - Т., «Ўзбекистон», 1969 й.
23. А.Эшонқулов, «Фазилатим - зийнатим», - Т., «Ёш гвардия», 1984 й.
24. А.Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат, Т., «Г.Г.» «Адабиёт ва санъат», нашр. – 1996 й.
25. Бобур, «Бобурнома», - Т., «Юлдузча», 1989 й.
26. М.Ф.Овсянников, «История эстетической мысли», - М., «Высшая школа», 1978 й.
27. Ф.Кличев, «Замон ва макон тахлили», Т., 1997 й.
28. Б.С.Громов, «Основные эстетические категории», М., «Ўқитувчи», 2000 й.
29. О.Мансурова, «Оила маънавияти – миллий ғурур», - Т., «Ўқитувчи», 2000 й.
30. Х.Султонов, «Миллий истиқлол ғояси», - Т., 2000 й.
31. С.К.Аннамуратова, «Театр санъат воситасида ўқитувчиларни эстетик тарбиялаш», - Т., «Ўқитувчи», 1996 й.
32. Адабиёт назарияси – 2 қисм, - Т. «Фан», 1979-81.
33. Кайковус. «Қобуснома», - Т., «Истиқлол», - 1994 й.
34. С.Х.Файзулина, «Адабиёт ва эстетик тарбия», - Т., «Ўзбекистон», 1970 й.



35. Таълим – тарбия жараёнини инсонийлаштиришда назорат тарбиясининг роли, халқ таълими. 1993 й.
36. О.Бахриев, «Маънавият соатлари», - 1998 й.
37. Х.Узоқов, Э.Ғозиев, А.Тожиев, «Оила этикаси ва психологияси», - Т., «Ўқитувчи», -1992 й.
38. А.Эшонқулов, «Маънавият ва фидойлик мақоласи», «Мулоқт», №5-сон, 1999 й.
39. М.Холматова, «Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси», - Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
40. В.Сухомлинский, «Тарбия ҳақида», Т., 1977 й.